

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ  
ФРАНЦУЗ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ**

**“ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
ФАНИДАН  
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**Қарши - 2019**

## **1-Мавзу: Таржима назарияси ва амалиёти фанининг тарихи ва ривожланиш босқичлари. Таржимашунослик фанининг объекти, мақсади ва вазифалари.**

### **Режа:**

1. Таржима назарияси ва амалиёти фанининг тарихи.
2. Таржима назарияси ва амалиёти фанининг ривожланиш босқичлари.
3. Таржима назарияси ва амалиёти курсинингб объекти, мақсади ва вазифаси.
4. Таржиманинг хусусий назариялари
5. Таржиманинг лингвистик назарияси

**Таълимий мақсад:** талабаларда таржима назарияси фанининг объекти ва предмети, унинг филология соҳасида тутган ўрни ҳақида назарий билимларни, шунингдек, таржима жараёнининг моҳияти ҳамда бу жараёнда қўлланиладиган методлардан фойдаланиш бўйича кўникмаларни шакллантириш.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Таржима, таржимашунослик, лингвистика, бадиий адабиёт, тамойил, тиллараро тафовут, аслиятг, «чевуриш», «ўтказиш», «қайтариш», «ағдариш», «ўгириш», шеър, драматик ва насрий асар, тафсир, табдил, шарҳ.

Ўзбекистонда таржимашунослик фани жадал суръат билан ривожланаётганлиги сабаби – бизда унинг яратилиши, катта истиқбол сари бориши учун зарур адабий-тарихий анъана, лисоний-услубий замин, материал, шароит мавжуд. Ўлкамизда таржима назарияси бўш-тақир ерда эмас, балки кўп асрлик таржима амалиёти қарор топиб, маданий ҳаётга томир отган турли таржима мактаблари тўплаган бой, ранг-баранг тажрибалар асосида туғилди. Таржимашунослик фанининг илдизлари узоқ тарихий замонларга бориб такалади. Таржима қадимий даврларда, турли қабилга мансуб кишилар орасидаги ўзаро алоқа, мулоқот эҳтиёжи туфайли юзага келган. Тилмочлик деб аталадиган таржиманинг бу оғзаки тури ҳозирда ҳам сақланган.

Таржимачилик санъати қадимий тарихга эга. VI асрдан бошлаб суғд, паҳлавий тилидан туркий тилга таржималар бўлган. X-XI асрларда яшаган адиблар, олимлар ижодида ҳам таржима ва адабий-илмий алоқа кенг ривожланган. **Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Унсурий, Абубакр Хоразмий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб** араб, ҳинд, форс, юнон тилидаги китоблардан кенг фойдаланганлар ва бир қанчасини таржима қилганлар. Масалан, биргина Абу Райҳон Берунийнинг ўзи ўнта асарни араб тилига ва бешта асарни араб тилидан ҳинд тилига таржима қилган.

Самонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар, ғазнавийлар даврида давом этган таржимонлик жараёни XV аср – теурийлар замонида янада тараққий этди. Айниқса, Қуръон тафсирлари, ҳадислар таржимасига эътибор берилди. “Калила ва

Димна”, “Минг бир кеча”, “Шохнома” асарлари уч-тўрт мартадан ўзбек тилига ўгирилган.

Ўрта Осиё кўхна маданият ўчоқларидан биридир. Қадимги даврларда ва ўрта асрларда Мовароуннаҳрда ўз даврига нисбатан юксак тараққий этган техника ва суғориш иншоотлари, фан, маданият, адабиёт ва санъат ёдгорликлари мавжуд эди. VIII асрда Ўрта Осиёни араблар забт этгандан сўнг, марказлашган ягона давлат, халифалик даврида араб тили умумий давлат тили бўлиб қолди. Халифалик таркибига кирган барча минтақаларда илм-фан асарлари ҳам араб тилида ёзиладиган бўлди. Бу даврларда икки тарафлама ва кўп тарафлама беқиёс кўп таржималарнинг марказида ҳам араб тили мустаҳкам мавқени ишғол этган эди.

Бағдод шаҳрида қарор топган таржима мактаби «Дорул ҳикма»нинг фаолияти натижасида қадимги замон юнон классик фанининг жуда кўп асарлари араб тилига ўгирилди. Ана шу таржималар баъзи ҳолларда асл юнонча нусхаларида йўқолиб кетган нодир илмий асарларнинг бизнинг давримизгача етиб келишига сабаб бўлган. Испаниянинг Толедо шаҳрида қарор топган таржима мактаби эса Бағдод таржима мактабининг оламшумул самараларини Ғарбий Европага узатишда бениҳоя катта воситачилик ролини ўйнади. Бунинг натижасида ўрта асрларда араб тилида яратилган ёки арабчага ўгирилган илму-ҳикмат асарлари, янги назарий ғоялар, фундаментал фанларнинг натижалари Европа заминига кўчиб, у ерда янада чуқур томир отди.

Математика, геометрия, механика, астрономия, физика, кимё, тиббиёт, тарих, санъат назарияси, адабиёт соҳаларида араб тилида ёзилган, у орқали дунёнинг бошқа мамлакатларига, жумладан, Ғарбий Европага таржима қилиб тарқатилган жуда кўплаб ишлар орасида ўрта осийлик мутафаннинг олимлар, мутафаккирлар Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абунаср Форобий, Улуғбек ва бошқаларнинг аллақанча асарлари ҳам бор.

Ҳар бир халқ адабиётининг ривожланишида таржимачиликнинг таъсири катта бўлади, зеро таржима тарихи адабиёт тарихи билан тенгдош. Ўзбек адабиётида ҳам таржимачилик қадимдан ривожланган. Маҳмуд Қошғарий, Рабғузий, Кутб, Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий ва бошқалар ижодида таржима катта ўрин эгаллайди.

Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» номли ажойиб лингвистик асарида турк ( қадимий ўзбек ) тилининг хусусиятлари, унинг ранг-баранг тасвирий воситалари, потенциал имкониятлари ҳақида бой фактик далиллар, маълумотлар келтирилган, тилимизнинг бой луғавий, услубий қуввати азамат адабий тил ҳисобланмиш забони форсий билан қиёсий планда исботланган экан, булар ҳаммаси, шубҳасиз, таржима илми учун ҳам муҳим назарий база эди.

«Хамса»да тил билан тафаккурнинг узвий бирлиги, мазмун билан шаклнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ҳақидаги фикрлар таржима диалектикасининг айни маъзани ифодалайди, назариянинг пойдеворини яратишга хизмат қилади. Хуллас, таржимачиликда шу қадар бой, мазмунли тажриба азалдан мавжуд эди.

**1.2.** Ўзбекистонда таржима назарияси мустақил фан сифатида XX асрнинг ўрталарида шакллана бошлаган бўлса-да, таржимачилик амалиёти минг йиллик тарихга эга. Бундан ўзбек таржимачилиги минг йиллар давомида назариясиз ривожланиб келган деган хулосани чиқариб бўлмайди. Аввало, араб, форс, хинд, турк, рус тилларидан жуда кўп илмий, тарихий, сиёсий, диний, фалсафий, адабий китобларни ўзбекчаштирган бизнинг таржимонларимиз гарчи ёзилмаган, системалаштирилмаган, умумлаштирилмаган бўлса-да, қабул этилган, уқилган, риоя қилинган маълум таржимачилик ақидаларига асосланиб иш кўрганлар. Масалан: назм-наsr билан ёки гоҳо, аксинча, проза – шеърӣй мақомга солиниб ўгирилган; ҳижжалаб ёки эркин, қисқартириб ёки кўшиб, локализация ёки модернизация йўли билан таржима қилинган ва ҳоказо. Ҳатто баъзан таржималарга ёзилган анъанавий муқаддималарда нима сабабли у ёки бу таржимачилик ақидасига, назарий принципларга риоя қилинганлиги таржимонлар томонидан асосланган ҳам. Бу эса таржима назариясининг ибтидоси XX асрдан олдин туғила бошлаганидан, қадим замонлардаёқ назария куртаклари пайдо бўла бошлаганидан далолат беради.

XIX асрда Хоразм ва Тошкентда алоҳида-алоҳида таржима марказлари шаклланган бўлса, XX асрни бемалол таржима асри деб айтса бўлади. Чунки XX аср бошларига қадар, асосан, Шарқ халқлари яратган илмий-адабий мерос дурдоналари таржима қилинган бўлса, XX асрдан бошлаб Европа халқлари адабиёти, айниқса рус тилидан таржима қилиш авж олган. Жадидларнинг маърифатчилик ҳаракати кенг миқёсда илмий-маданий ва маънавий алоқаларни талаб қилган. Шўро даврида ҳам дунё халқлари адабиётидан энг яхши асарлар таржима қилинди. Жумладан, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғофур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Ҳамид Олимжон, Мирзакалон Исмоилий, Зулфия, Абдулла Қаҳҳор каби машҳур адибларимиз жаҳон мумтоз адабиёти вакиллари Л.Н.Толстой, В.Шекспир, А.С.Пушкин, М.Лермонтов, Ш.Руставели, Н.В.Гоголь, Ж.Байрон, Н.Ҳикмат, В.Маяковский асарларини зўр маҳорат билан таржима қилдилар. “Фауст” (Гёте), “Илоҳий комедия” (Данте), “Рамайна” каби жаҳоншумул асарлар тилимизда янгради.

Шу билан бирга, ўнлаб профессионал таржимонлар (Ш.Шомухамедов, М.Осим, Й.Шамшаров, Қ.Қаҳҳорова, Ҳ.Ахророва, Қ.Мирмухамедов, В.Рўзиматов, Т.Жалолов, О. Шарафиддинов, А.Рашидов, М.Мирзоитов, Ҳ.Тўрабеков, И.Ғафуров, М.Маҳмудов, М.Аъзам, А.Ғайзулло ва бошқалар) нинг самарали ижодий меҳнати туфайли Фирдавсий, Умар Ҳайём, Ж.Румий, Ҳофиз Шерозий, Бедил, Сервантес, М.Достоевский, И.Тургенов, Бальзак, Мопассан, Р.Тагор, Э.Хемингуэй, Премчанд, М.Шолохов, Ч.Айтматов ва бошқа кўплаб атоқли адибларнинг дунёга машҳур ноёб асарлари ўзбек китобхонларнинг китоб жавонидан ўрин олади.

Бизнинг республикамызда С.Ҳусайн, Роиқ, С.Е.Паластров, М.А.Салье таржима назарияси учун пойдевор яратган адиблар, биринчи тадқиқотчилар. XX аср ўзбек ёзувчиларидан Чўлпон, Ғофур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор,

Миртемир, М.Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али ва бошқалар бадиий таржима соҳасида ҳам самарали ижод қилганлар. Бадиий таржима соҳасида М. Осим, Н. Алимухамедов, Ш.Шомухамедов, К.Каҳҳорова, О.Шаропов, Ш.Толипов, В.Рўзиматов, Қ. Мирмуҳамедов, А. Рашидов, М. Ҳақимов, И.Ғафуров, М.Мирзоидов, Ҳ. Тўрабеков, Т.Алимов ва бошқалар профессионал таржимон сифатида танилганлар. Ўзбек тилида илмий-техникавий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар таржимачилигида ҳам катта ютуқларга эришилган. Бунда Р. Абдурахмонов, В. Раҳимов, А. Шомаҳмудов, З. Тинчерова каби таржимон-ларнинг ҳиссаси катта. Чўлпон, Санжар Сиддиқ каби моҳир таржимонлар нафақат бу давр таржима адабиётини, айти пайтда таржимашунослик илмини ҳам бошлаб берганлар, таржима ҳақида мақола ва рисолалар битганлар.

Бадиий таржима умуминсоният маданияти, тафаккурий кашфиётларни ўзлаштириш воситасидир. Шуниси ҳам борки, Алишер Навоийнинг “Ҳамса”, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” каби ўзбек адабиётининг шох асарлари жаҳон тилларига бир неча бор таржима қилинди. Умуммиллий адабиётимизнинг таркибий қисми бўлган ана шу таржима адабиётини ўрганиш, таржимачилик санъати, талаб ва қонуниятларини таҳлил этиш ва шу асосда таржима танқидини йўлга қўйиш муҳим долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Ўтган асрнинг 50-йилларида бадиий таржимани илм сифатида тадқиқ этиш бошланди. Бунда А.Мухтор, Ж.Шарипов, Ғ.Саломов, Н.Владимирова, Н.Комилов, К.Жўраев, Т.Жўра каби олимларнинг хизмати катта бўлди. Ва ниҳоят, ЎЗМУда таржимашунослик кенг ривожланиб, ўзига ҳос илмий мактаб юзага келди.

Айниқса, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, халқаро Бобур мукофоти лауреати, таржимашунос олим, публицист, профессор Ғ.Саломовнинг (тахаллуси - Ғайбулла Ас-Салом ) бу соҳадаги хизматлари катта бўлди. Олим ўзининг бутун илмий фаолиятини Ўзбекистонда таржимачиликни ўрганишга бағишлаган, уни алоҳида фан сифатида шакллантиришга муваффақ бўлган салоҳиятли йирик олимдир.

Ўзбек тилининг чуқур билимдони, услубшунос ва қиёсий адабиётшунослик аспектида салмоқли ишлар яратган устоз Ғ.Саломов таржима назарияси, тарихи ва танқидини биргаликда олиб ривожлантирди, унинг ишлари туфайли ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида Ўзбекистонда ўзига ҳос таржимашунослик илмий мактаби шаклланди.

Устоз Ғ.Саломов асос солган таржимашунослик илмий мактаби ҳозирги кунда янада ривожланиб бормоқда. Эндиликда ғарб ва шарқ тилларидан таржималар кўпайиб, иқтидорли ёш таржимашунос олимлар устоз Ғ.Саломов ишларини давом эттирмоқда.

**1.3.** Таржима назарияси кўп соҳали, кўп жанрли, сертармоқ, мураккаб умумфилологик фан. Таржимашуносликнинг бир қаноти-тилшунослик бўлса, иккинчи қаноти-адабиётшуносликдир. Тил ва адабиёт тарихи билан таржима тарихи, адабиёт назарияси ва таржима назарияси, лингвистика ҳамда

таржимашунослик бир-бири билан узвий боғлиқ, лекин ҳеч қачон биринчиси иккинчисининг ўрнини эгаллай олмайди. Бадиий таржима назариясида таржимашуносликнинг бадиий адабиёт, асосан адабий жараён, адабий жанрлар, ижодкор шахси ва ҳоказо масалалари билан боғлиқ томонлар ўрганилади. Тилшунослик соҳаси эса таржима назариясининг ҳамма томонлари, соҳалари, турлари, жанрларига алоқадор.

Таржимашунослик фани таржима амалиётини, унинг ўзига хосликларини, тарихини, тамойиллари, принцип ва қонуниятларини ўрганади, таржимонга ўгириш учун асар танлаш, тиллараро тафовутлар ҳамда аслиятга хос бошқа хусусиятларни, миллий-адабий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда иш тутишга ёрдам беради. Таржимашунослик фани уч қисмдан иборатдир: 1). Таржима тарихи. 2). Таржима назариясига кириш. 3). Умумий таржима назарияси асослари.

**Таржима назариясининг вазифаси** – асл нусха билан таржима ўртасидаги нисбатнинг қонуниятларини кузатишдан, алоҳида хусусий характердаги таржима ҳодисаларидан туғилган хулосаларни илмий маълумотлар асосида умумлаштиришдан ҳамда таржимачилик амалиётига билвосита таъсир ўтказиш, унинг сифатини яхшилашдан иборат. **Таржима амалиёти** мақбул ифода воситаларини топиш ҳамда муайян конкрет таржима масалаларини ҳал қилишда муқобил модель, қоида, далил ва исботларни таржима назариясидан олади. Шундай қилиб, асл нусха билан таржима ўртасидаги муносабат ҳамда конкрет ҳолларда юз бериб турадиган, изоҳлаш, тушунтириш ва умумлаштиришни талаб этадиган фарқланувчи, тафовут қилувчи формалар **таржима назариясининг асосий предмети** ҳисобланади.

**«Таржима назарияси ва амалиёти» курсининг вазифаси** таржима жараёни ва таржимада муқобиллик қонуниятларини ўрганишдан иборат. Курс Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда таржимашунослик фанининг тарихи ва ҳозирги аҳволи билан таништиради ва таржимада амалий билим ва кўникмаларнинг назарий асосларини яратади.

**Таржима** – форсча «тарзабон» (чиройли сўзловчи, нотик, тили бурро киши) сўзидан арабийлашиб ўзгарган. Араб тилига «таржумон» шаклида қабул қилинган, ундан «таржима» ёки «таржума» ҳосил бўлган. Ўзбек адиблари бундай тушунчани «чевуриш», «ўтказиш», «қайтариш», «ағдариш», «ўгириш» сингари атамалар билан ифода этганлар. Кўп йиллар давомида «таржима» **шарҳ, тафсир, баён қилиш, тушунтириш** маъноларида ҳам қўлланиб келинган. Фақат ХХ асрда бу сўз бадиий ижоднинг бир турини ифодалаш маъносини касб этди ва илмий-филологик терминга айланди.

**«Таржима»** ҳамма учун тушунарлидек туюлсада, бу терминни маъноси очиб берилиши лозим. Биринчидан, таржима – бу бир тилда содир бўлган асарни иккинчи тилга фақат таржима қилиш йўли билан етказиб бериш жараёнидир. Бир тилдан иккинчи тилга бадиий адабиёт: шеър, драматик ва насрий асарлар, фаннинг турли-туман соҳаларига доир илмий ва илмий-оммабоп китоблар, дипломатия ҳужжатлари, расмий қоғозлар, сиёсий арбобларнинг мақолалари ва нотикларнинг

нутқлари, газета материаллари, бошқа-бошқа тилларда сўзлашувчи, «тилмочнинг» хизматига муҳтож бўлган кишиларнинг суҳбатлари таржима қилинади, кинофильмлар ўгирилади. Иккинчидан, таржима – бу шу жараённинг натижаси деб тушунилади, яъни таржима тилида янги яратилинаётган асардир.

**Таржима** – халқлар ўртасида ўзаро иқтисодий-сиёсий, илмий, маданий алоқаларнинг кенгайиши манфаатларига хизмат қилади. У халқлар дўстлиги, қардошлик ва интернационализм манфаатларига хизмат қилувчи энг муҳим воситалардан биридир.

**Таржима** – маданият ва тараққиёт, тинчлик ва кишиларнинг бир-бирларини ўзаро тушуниб олишлари ишига, гуманизмнинг олий идеалларига хизмат қилади.

**Таржима** – миллий адабиётларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири жараёнини тезлаштиради; миллий адабиётларда муштарак мавзулар, умуминсоний ғоялар, ранг-баранг адабий-эстетик шаклларнинг туғилишига сабаб бўлади.

**Таржима** – миллий тилларнинг ривожланиш суръатини тезлаштиради, тилларнинг луғат бойлигини янада оширади, янги-янги грамматик воситаларни келтириб чиқаради.

**Таржима** – бир тилдаги матнни бошқа тилда қайта яратишдан иборат адабий ижод тури. Таржима миллатлараро мулоқотнинг энг муҳим кўриниши. Аслият ва қайта тикланган матн хусусиятига қараб бадиий таржима, илмий таржима ва бошқа турларга ажратилади. Асл нусхани акс эттириш тарзига кўра **тафсир**, **табдил**, **шарҳ** каби кўринишларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**Таржиманинг мақсади** – хорижий тил лисоний воситалари ёрдамида яратилган матнни она тили материали асосида қайта яратишдан иборатдир. Бунинг учун таржимон, биринчи навбатда, асл нусхани тўла-тўқис идрок этиши, сўнгра уни ўз тилида беками-кўст қайта ифодалашни даркор.

**Таржиманинг вазифаси** – аслият ва таржима тиллари лексик, грамматик ва стилистик ҳодисалари ўртасидаги уйғун ва тафовутли жиҳатларни пухта ўзлаштириб олган ҳолда, аслиятнинг шакл ва мазмун бирлигини она тили воситалари ёрдамида қайта яратишдан иборатдир. Бу тамойилга риоя қилмаслик таржимада аниқликнинг, тўла-тўқисликнинг, демакки, ифода меъёрининг бузилишига, ҳарфхўрликнинг содир бўлишига олиб келади. Асл нусха муаллифидан воқеликни тўғри акс эттириш талаб этилса, таржимондан асл нусхани беками-кўст талқин этиш талаб қилинади.

А.В. Федоров сўзлари билан айтганда “Таржима қилиш – бу бир тил воситаси билан илгари ифода этилган нарсаларни бошқа тил воситаси билан тўғри ва тўлиқ ифода қилиш деганидир”.<sup>1</sup> “Шундай қилиб, таржиманинг асосий вазифасига нафақат оригиналнинг тилида ифода этилган фикрларни аниқ баён

---

<sup>1</sup> Федоров А.В. Основы общей теории перевода. – 4-е изд. М.: Высш. Шк., 1983. – с.10.

қилиш эмас, балки, таржима тили воситасида хабарнинг услуб ва шаклларининг барча хусусиятларини қандай бўлса шундай тасвирлаб бермоқ киради. Айнан мана шундай асл ҳолида тиклаш таржимани бошқа тилда ифодаланган мазмунни ифодалашнинг бошқа турларидан: айтиб бериш, қисқача муздумини баён қилишдан ажратиб туради<sup>2</sup>.

**Таржиманинг лингвистик назарияси** – бу таржима жараёнини тиллараро трансформация (ўтиш) сифатида илмий акс эттириш, яъни бир тилдаги матнни иккинчи бир тилдаги матнга муқобил сифатида ўзгартириш. Бошқача қилиб айтганда, таржиманинг лингвистик назариясини асосий вазифаси таржима жараёнини моделлаштиришдан иборатдир - таржима жараёнининг аниқ моделини қуриш, яъни баъзи илмий схемаларга асосланган бу жараённи мавжуд томонларини у ёки бу жиҳатдан акс эттириш.

Бадиий таржиманинг асосий хусусияти тилнинг бадиий вазифасидан келиб чиқади. Тил бадиий асарда эстетик ҳодиса, санъат фактига айланади. Адабий асар тили – алоҳида «бадиий воқелик» унсуридир. Таржимада ана шу образли-ифодавий тилдаги бадиий маънони бошқа тилнинг образли-ифодавий заминига ўтказиш, образни образ билан қайта ифодалаш жараёни юз беради. Шунинг учун таржимон асардаги воқеаларни бадиий тафаккур жараёнини янгидан идрок этади. Замонавий таржима талабларига асосан таржимон аслиятнинг санъат асари сифатида шакл ва мазмун бирлигини қайта яратиши, миллий ва индивидуал хусусиятларини сақлаши лозим. Таржимон она тилининг ривожланиш даражаси, таржимачилик анъаналари, тажрибаларига суянади, турли хил тафовутларнинг мавжудлигини ҳисобга олади. Таржима жараёнида таржимон ҳамма вақт ўз она тилида фикрлайди, она тили унга таҳлил қуроли, синов мезони бўлиб хизмат қилади. Таржима нусха кўчириш каби бир иш бўлмай, ижодий жараёндир, таржимон эса болдан ҳолва пиширувчи моҳир ёзувчи бўлиши керак. Таржимондан асарнинг умумий мазмуни ва ғоясини эмас, ёзувчининг ўзига хос тили ва услубини, унинг бадиий мушоҳада формасини; китобнинг ташқи ва юзаки жисми-ю, латофатини эмас, балки унинг асосий бисоти: ички ҳарорати ва бадиий хусусиятларини тўла-тўқис акс эттириш талаб қилинади.

Филология фанлари доктори, кекса ёзувчи ва моҳир таржимон Корней Чуковский ўзининг «Искусство перевода» номли машҳур асарида куйидаги рус мақолини эпиграф қилиб олган эди: **«Таржима худди хотинга ўхшайди: тўғри бўлса – чиройли эмас, чиройли бўлса – тўғри эмас»**. Бу мақол таржима санъатининг асосий хусусиятини, унинг заминидаги мавжуд зиддиятни жуда тўғри акс эттирган. Зеро, тўғри таржима этишни мақсад қилиб қўйган киши, кўпроқ, хижжалаб таржима қилишга, муддаоси чиройли таржима қилишдан иборат бўлган киши эса кўпроқ ўзини авторлаштиришга мойил бўлади. Ҳам тўғри ва ҳам чиройли таржимагина мукамал ва идеал санъат асари бўла олади, бундай таржима яратишнинг ўзи эса чинакам санъатдир. Бундай санъат таржимондан тўғри

---

<sup>2</sup> Гак В.Г. , Григорьев Б.Б. Теория и практика перевода. Французский язык. М.: «Интердиалект», 2003, 9-бет.



таржима қилиш доирасида чиройли таржима этишни ва чиройли таржима этиш доирасида тўғри таржима қилиш маҳоратини эгаллашни талаб этади.

Таржимоннинг вазифаси сўз ва гапнинг умумий маъносини тўғри бера билиш эмас, балки автор услубининг ички энергиясидан келиб чиқадиган энг нозик хусусиятларни, чунончи, бадий оҳанг, ҳаракат, сўз ва сўзлар бирикмаси замирида яшириниб ётган, «оддий» кўз билан кўриб бўлмайдиган семантик ходисани, ҳар бир авторнинг ўзига хос юмор яратиш хусусиятини, унинг сўз танлаш, сўз яратиш ва сўз бириктириш борасидаги новаторлигини, бадий асарнинг энг муҳим хоссаси бўлган образликни, ҳар бир товуш, нуқта ва вергулнинг бадий функциясини билиб ва тўғри акс эттиришдан иборат. Таржимон учун икки тилни мукамал билиш, турмуш тажрибаси, бадий маҳорат ҳамда ёзувчининг услубини тўла эгаллаш ва буни таржимада қайта тиклай олиш жуда зарур. Услуби бузиб таржима қилинган асарда ҳам асл нусхада мавжуд ҳамма нарса мухайё бўлади: сўзлар ҳам, гаплар ҳам, воқеалар ҳам, сюжет, композиция ва образлар ҳам. Унда фақат «кичик» бир деталь етишмайди, холос: у ҳам бўлса асарнинг бош қаҳрамони – ёзувчининг ўзи, унинг сиймоси, овози, юрак тепиши – яъни унинг услуби, маҳорати ва санъати.

Таржима жараёнида санъаткор сон-саноксиз амалий мушуқулотларга дуч келадикки, бу ҳол, таржиманинг ижодий фаолият эканлиги туфайли, таржимондан ҳар бир муаммоли ҳолат ечимига ижодий ёндашишни талаб қилади. Асл нусхага ижодий муносабатда бўлишгина таржиманинг муаллиф мақсадига мувофиқ тарзда амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади.

Аммо тўла-тўқис адекватликка эришиш учун биргина маҳорат ва истъедод билан бўғлиқ ижодкорликнинг ўзи кифоя қилмайди. Илм-фан тармоқларининг ҳозирги даврдаги ривожланиш даражаси таржима амалиёти муаммоларининг чуқур илмий мушоҳада иштирокисиз ижобий ҳал қилинишини тақозо этмайди. Демак, аслият руҳини имкон қадар тўғри ва тўла акс эттирадиган таржима матни яратиш учун таржимон ҳам талантли бадий сўз устаси, ҳам истъедодли таржимашунос-олим бўлиши керак.

### **Хулоса**

Таржима – тиллар орасидаги воситачиликка йўналтирилган ўзига хос адабий фаолият, яъни тилларнинг ранг-баранглик хусусияти асосида пайдо бўладиган маданиятлараро мулоқот тўсиқни енгиб ўтиш жараёнидир. Таржима фаолияти шу қадар серқирраки, усиз ҳаётимизнинг бирон жабҳасини ҳам тасаввур қила олмаймиз. Таржимонлик фаолияти ўзининг бой тарихига эга бўлиб, фақат XX асрга келиб фан сифатида олимлар томонидан тан олинди ва тадқиқ қилина бошланди.

Ҳозирги пайтда таржима назарияси бир неча бўлимга бўлиб ўрганилади. Бунда юқорида кўрсатиб ўтилган методлардан ўрни билан фойдаланилади.

### **Мунозара учун саволлар:**

1. Таржима сўзининг маъноси нимани англатади?
2. Таржима назарияси нимани ўрганади?
3. Таржима назариясининг объектини нима ташкил этади?

4. Таржима назариясининг предмети нима?
5. Таржимашунослик фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
5. Қайси жиҳатлар таржимашуносликни мустақил фан сифатида тадқиқ этишга имкон беради?
6. Таржимашунослик фани қандай фанлар билан ўзаро алоқада?
8. Таржима неча турга бўлинади?
9. Таржима турларининг асосий фарқларини изоҳланг.
10. Таржимон фаолиятининг асосини ташкил этувчи қисмлар нималардан иборат?
11. Таржима билан шуғулланиш учун лингвистик билимнинг ўзи қифоя қиладими?

## **2 - МАЪРУЗА.**

**Таржима турлари. Таржиманинг тилшунослик билан боғлиқ жиҳатлари.**

### **РЕЖА:**

1. Таржиманинг тилшунослик билан боғлиқ жиҳатлари.
2. Таржима турлари.
3. Таржималарнинг турланиш параметрлари

Таржима жараёни, юқорида бир неча марта қайд этилганидек, бир тилдаги матнни иккинчи бир тилга ўгиришдир. Демак, ана шу жараённи тилшунослик нуқтаи назаридан таржима жараёни деб аташ мумкин. Шунингдек, таржимани трансформацияларнинг ўзига хос бир тури деб аташ ҳам мумкин. Бошқача айтганда, таржима назарияси тиллараро трансформацияларга, яъни таржима жараёнига бўлган илмий карашларнинг ўрганилиши, ёритилиши саналса, яратилган таржима намуналари унинг тадқиқот объекти сифатида хизмат қилади.

Таржимашуносликнинг 4 асосий жабҳаси (аспектлари) бор:

- 1) таржимашуносликка кириш;
- 2) таржима тарихи;
- 3) таржима назарияси;
- 4) таржима танқиди.

Бу аспектлар таржимашуносликнинг ўзига хос йўналишлари бўлиб, ҳар бири бугунги кунда алоҳида фан сифатида ўрганилади. Таржимашунослик фан сифатида, Л.С.Бархударов фикрига кўра, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) қиёсий метод (чунки таржима икки тилни қиёслаш асосида амалга оширилади);
- 2) таркибий қисмларга ажратиш (componential method) ёки семаларга ажратиб таҳлил қилиш методи (componential method semes);
- 3) трансформация методи (икки тил турлари ва воситаларига хос хусусиятларни аниқлаб, натижаларни таҳлил қилувчи метод). Лексик, грамматик трансформациялар);

4) статистик таҳлил методи;

5) оппозицияли (қарама-қарши қўйиб таҳлил қилиш) метод (boy-boys, came-did not come).

Ушбу методлардан ташқари таржима усуллари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) маълумотларни қисқа ва лўнда қилиб ёзиб олиш (керакли жойларини қисқа қайд этиш) ва уларга таяниб ўгириш усули (масалан, оғзаки таржимада);

2) таржимада асл нусха материални маъноли бўлақларга ажратиб ўгириш усули (барча таржима турларида);

3) матнни лексик, грамматик трансформациялар орқали ўгириш усуллари:

а) оғзаки трансформациялар орқали ўгириш усули;

б) ёзма трансформациялар орқали ўгириш усули;

в) оғзаки-ёзма трансформациялар орқали ўгириш усули;

г) антонимик воситалар орқали ўгириш усули;

д) синонимик воситалар орқали ўгириш усули;

е) транскрипция орқали ўгириш усули;

ё) транслитерация орқали ўгириш усули;

ж) калька орқали ўгириш усули;

з) компенсация усули;

и) умумлаштириш усули;

й) конкретлаштириш усули;

к) ихчамлаштириш усули;

Таржималарнинг турланиши қуйидаги параметрлар (ўлчовлар) асосида намоён бўлади:

1.Таржима қилинаётган тилнинг ва асл нусханнинг ўзаро боғлиқлигига қараб.

2.Таржимонлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектнинг таржима қилинаётган матнни муаллифига муносабати ва таржима характериға қараб.

3.Таржима қилинаётган матнни таржимавий парчаланишиға қараб.

4.Таржима матни ва оригинал матннинг тақдимот туриға қараб.

5. Таржима характери ва сифатиға қараб.

6. Таржима қилинаётган материалнинг жанриға қараб.

7.Таржиманинг тўлиқлиги ва асл нусханнинг маъноси узатилишиға қараб.

8. Таржиманинг асосий функцияларига ( вазифаларига ) қараб.

9. Асл нусханнинг бирламчилигига қараб.

Таржиманинг юқорида баён этилган турларини алоҳида-алоҳида тарзда кўриб чиқамиз.

**1).Таржима қилинаётган тилнинг ва асл нусханнинг ўзаро боғлиқлигига қараб.**

Таржиманинг бу тури ўз навбатида бир қатор кичик гуруҳларга ажралиб кетади. Булар қуйидагилардан иборат.

Бир тил ичидаги таржима:

- **диахроник таржима** (эски тилда ёзилган тарихий матнни замонавий тилга таржимаси);

- **транспозиция** (бир жанрда ёки функционал услубда ёзилган матнни бошқа жанр ёки услубдаги таржимаси).

Тиллараро таржима:

- **бинар таржима** (бир жонли тилдан бошқа жонли тилга таржима қилиш);
- **интерсемиотик таржима** (жонли тилдан сунъий тилга таржима қилиш);
- **трансмутация** (бир сунъий тилдан бошқа сунъий тилга таржима қилиш).

**2) Таржимонлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектнинг таржима қилинаётган матнни муаллифига муносабати ва таржима характерига қараб.**

Таржиманинг бу турини қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

- **матн муаллифи бўлмаган киши томонидан қилинган таржима;**
- **автортаржима** (муаллифнинг ўзи қилган таржима);
- **авторлаштирилган таржима** (муаллиф маъқуллаган таржима);
- **машина таржимаси** (компьютерда қилинган таржима);
- **аралаш таржима** (қисми компьютерда, қисми инсон томонидан қилинган таржима).

**3) Таржима қилинаётган матнни таржимавий парчаланишига қараб.**

Мазкур таржима тури ўз навбатида қуйидаги кичик гуруҳларга ажралади:

- морфемалар таржимаси;
- сўзма - сўз таржима;
- жумлама - жумла таржима;
- *абзац*ма – *абзац* таржима;
- бутун матн таржимаси.

**4) Таржима матни ва оригинал матннинг тақдимот турига қараб.**

Таржиманинг бу турини қуйидаги бўлимларга ажратиш мумкин:

**Ёзма таржима:**

- ёзма матннинг ёзма таржимаси;
- оғзаки матннинг ёзма таржимаси.

**Оғзаки таржима:**

- **оғзаки матннинг оғзаки таржимаси:**
  - *синхрон* таржима;
  - кетма – кет таржима;
  - бир томонлама таржима;
  - икки томонлама таржима;
  - ёзма матннинг оғзаки таржимаси.

**5) . Таржима характери ва сифатига қараб.**

- . эркин таржима;
- *интерпретация*;
- *адекват (мос, тўлақонли)* таржима;
- *аниқ таржима*;
- *аутентик таржима*;
- *тасдиқланган таржима*.

**б) Таржима қилинаётган материалнинг жанрига қараб.**

- . илмий-техник таржима;
- ижтимоий-сиёсий таржима;
- адабий таржима;
- ҳарбий таржима;
- юридик (ҳуқуқий) таржима.

**7) Таржиманинг тўлиқлиги ва асл нусханинг маъноси узатилишига қараб.**

**Тўлиқ таржима.**

**Нотўла таржима:**

- *қисқартирилган таржима*;
- *фрагментар (парча, қисм) таржима*;
- *аспект (нуқтаи назар) таржима*;
- *аннотацион (матнни қисқа мазмуни) таржима*;
- *рефератив таржима* (асарнинг мавзуси, мақсади, тадқиқот услублари ва олинган натижалар ҳақида қисқа маълумот).

**8). Таржиманинг асосий функцияларига (вазифаларига) қараб.**

- амалий таржима;
- ишчи таржима;
- консультатив таржима;
- нашр этилган таржима;
- ўқув таржима;
- экспериментал таржима;
- эталон таржима.

**9). Асл нусханинг бирламчилигига қараб.**

- тўппа-тўғри (бевосита) таржима;
- бавосита (эгри) таржима;
- тескари таржима.

**Мунозара учун саволлар:**

1. Таржимашунослик фани қандай фанлар билан ўзаро алоқада?
2. Таржима неча турга бўлинади?
3. Таржима турларининг асосий фарқларини изоҳланг.
3. Таржимон фаолиятининг асосини ташкил этувчи қисмлар нималардан иборат?
4. Таржима билан шуғулланиш учун лингвистик билимнинг ўзи кифоя қиладими?

### **3 -МАВЗУ: Таржиманинг методик аспекти. Таржима бирликлари ва даражалари.**

#### **Режа:**

1. *Таржиманинг методик аспекти.*
2. *Таржима бирликлари ва даражалари.*
3. Таржимада мувофиқлик тушунчаси.
  - 3.1. Шаклан мувофиқлик тушунчаси.
  - 3.2. Мазмунан мувофиқлик тушунчаси.
4. Мукамал (адекват) таржима тушунчаси.
5. Динамик (функционал) тенг маънолилик тушунчаси

#### Таржима тўғрисида асосий концепциялар

Таржима хусусида гап борар экан, бир тилдан бошқа тилга алоҳида сўзларни, сўз бирикмаларини, бутун бир асарни таржима қилиш назарда тутилади. Таржима бир-бирига оилавий жиҳатдан яқин тиллардан ёки тамоман бошқа-бошқа оилага мансуб бўлган тиллардан амалга оширилади.

Таржима тенг маънолилик (муқобиллик)ни тақозо қилади, бошқача қилиб айтганда, амалга оширилган таржима аслиятга мазмун жиҳатдан мувофиқ бўлиши лозим. Бу ҳодиса ҳамisha таржима назарияси ва амалиётининг асосий муаммоси бўлиб келмоқда.

Ҳозирги даврда таржиманинг тенг маънолилик ёки аслиятга мувофиқлик тушунчаси ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд. Қуйида уларнинг айримлари билан танишамиз:

#### **Шаклан мувофиқлик тушунчаси.**

Таржима тарихи таржиманинг тенг маъноликка асосланганлигини аллақачон тасдиқлаган. 60-йилларгача таржимада тенг маънолилик муаммоси ҳақида баён қилинган қарашларни қуйидагича изоҳлаш мумкин: Аслиятдаги ҳамма нарсани сўзма-сўз, ҳарфма-ҳарф ўгириш шарт деган фикр ҳукмрон эди. Иложи борича аслият матнини шаклан ўгириш талаб этиларди.

Аслиятнинг фақат тўғридан-тўғри қайта яратиб бўлмайдиган жойларигина ўзгартирилар, алмаштирилар ёки бўлмаса матндан тушириб қолдирилар эди.

Диний «муққадас» китобларни таржима қилишга тўғри келганда, уларни «оллоҳнинг сўзлари» деб аниқ ва сўзма-сўз таржима қилинар эди. Сўзма-сўз таржима китобхонни таржима асарини ўқишдан бездиради ва унда қизиқиш уйғотмайди.

#### **Мазмунан мувофиқлик тушунчаси.**

Таржиманинг, ушбу йўналиши «ҳижжалаб», яъни сўзма-сўз таржима қилиш усулига қарши бўлган эди. Ушбу йўналиш тарафдорлари қуйидаги икки талабга риоя қилган ҳолда таржимани амалга оширганлар.

1. Аслият матнининг барча муҳим элементларини таржима қилиш.
2. Таржима қилинаётган тил нормаларига амал қилган ҳолда ўгириш.

Шу икки ҳолатга амал қилиб таржима қилинса, мазмунга мувофиқлик, яъни таржима матнининг икки муҳим хусусияти – шакл ва мазмун мувофиқликка эришиш мумкин, деган хулоса қилинар эди.

Мазмунан мувофиқлик концепцияси таржима тафаккури тараққиётида олға босилган қадам эди. Унинг қоидаларига амал қилган ҳолда амалга оширилган таржималар анча мазмунли бўлиб китобхонларни ўзига жалб қилган эди. Аммо мазмунан мувофиқлик тушунчасини назарий жиҳатдан мукамал деб бўлмайди. Асл нуханинг мазмуни берилса-ю, унинг экспрессивлиги ва услубий ўзига хослиги таржима тилида ўз аксини топмаса, уни мукамал таржима дейиш мумкинми? Албатта, йўқ.

### **Мукамал (адекват) таржима тушунчаси.**

Адекват таржима тушунчасининг муаллифлари бўлган А.В.Федоров ва Я.И.Рецкер таржимани аниқ ҳикоя қилиб бериш деб тушунмасликка даъват этадилар. Таржима ҳам, ҳикоя қилиб бериш ҳам, агар улар юқори савияда амалга оширилган бўлса, таржима қилинган тил норма қоидаларига мувофиқдир.

А.В.Федоров ва Я.И.Рецкернинг фикрича, мукамал таржима деганда асл нухани тўлиқ акс эттирувчи, унга мувофиқ ва у билан тенглашадиган таржима – адекват таржимадир.

Мисол тариқасида қуйидаги мақолларнинг таржимасига эътибор берайлик:

Ўзбек тилида: - Кўрпангга қараб оёқ узат.

Француз тилида: - Il faut tailler la robe selon le drap.

Инглиз тилида: - Cut your coat according your cloth.

Ўзбек тилида: - Темирни қизиғида бос.

Инглиз тилида: - Strike the while it is hot. Эқв. (make hey white the sun shines)

Француз тилида: - Il faut battre le fer pendant qu'il est chaud.

Ўзбек тилида: - Балиқ бошидан сасийди.

Рус тилида: - Рыба тухнет с головы.

Инглиз тилида: - Fish begins to stink at the head.

Француз тилида: - Le poisson commence toujours à sentir par la tête.

### **Динамик (функционал) тенг маънолилик тушунчаси**

Таржимада функционал тенг маънолилик тушунчаси америкалик олим Юднин Найда томонидан киритилган. Одатда таржимада тенг маънолилик аслият матнини таржима билан қиёслаш орқали аниқланади.

Найда асл нуха матнини ўқиган киши билан таржима матнини ўқиган кишининг нечоғлик таъсирланганини таққослашни таклиф этади. Агар ўша таъсирланишлар ўзларининг умумий сифатлари билан бир-бирига муқобил бўлса, ўшанда матн таржимаси аслиятга муқобил саналади. Шуни таъкидлаш керакки, таъсирланишлар муқобиллиги деганда этнолингвистик ва миллий маданий тафовутлар туфайли эришиб бўлмайдиган айнанлик эмас, балки

Ўхшашлик назарда тутилади. Ушбу концепция тушунчаси таржима муқобиллиги ҳақидаги барча нуқтаи назарлардан тубдан фарқ қилади.

Таржима муқобиллиги бошқа барча тушунчалар доирасида асл нусха ва таржима матнини қиёслаш йўли билан аниқланса, (функционал) муқобиллик ўша матнларни қабул қилувчиларнинг тилдан ташқари таъсирланишларини таққослаш йўли билан аниқланади.

Таржима назарияси – амалий фан бўлиб, унинг вазифаси амалиётда тадбиқ этиладиган таржима муқобиллигининг айрим мезонларини, унга эришиш йўллари кўрсатишдан иборатдир.

Функционал муқобиллик тушунчасининг афзаллиги шундаки, у таржима муқобиллигини истаган ўзаро фикр алмашув нуқтаи назаридан аниқлайди.

### **Маъруза матни бўйича саволлар.**

1. «Концепция» нима?
2. Шаклан мувофиқлик тушунчаси тўғрисида фикрингизни баён этинг.
3. Мазмунан мувофиқлик деганда нимани тушунасиз?
4. Мукамал (адекват) таржима деганда нимани тушунасиз?
5. Динамик (функционал) тенг маънолилиқ тушунчаси тўғрисида фикрингизни баён этинг.

## **4 -МАВЗУ: ТАРЖИМАНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МУАММОЛАРИ**

### **Режа:**

1. **Лексик бирликларни таржима қилиш муаммолари.**
2. **Таржима жараёнида лексик мувофиқлик турлари.**
3. **Лексик трансформация турлари.**
4. **Таржимада трансформациянинг структурал ва лексик-семантик жиҳатдан шартланиши**

**Таълимий мақсад:** талабаларни таржима жараёнидаги лексик бирликлар ва уларнинг мувофиқ муқобилларини топиш усуллари билан таништириш.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Лексикология, лексик бирлик, лексик мувофиқлик, тўлиқ мувофиқлик, қисман мувофиқлик, умуман мос келмаслик, антоним таржима, синонимик қатор, лексик трансформация.

### **Асосий маълумотлар**

Тилнинг семантик хусусиятлари, уларнинг қўлланиши, бош қа сўзлар билан бирика олиш ва боғланиш имкониятлари, тилнинг лексик тизимида «жойлашиш» ўрни турли тилларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, доим ҳам мос келавермайди. Икки тил орасидаги семантик тафовутнинг ҳамма ҳолатларини



бирдек қамраб олиш мумкин бўлмаганлиги сабабли, биз уни типик хусусиятларига қараб ўрганамиз.

Француз ва ўзбек тилларидаги лексик мувофиқлик турлари қуйидагича таснифланиши мумкин:

1. Тўлиқ лексик мувофиқлик.
2. Қисман лексик мувофиқлик.
3. Умуман мос келмаслик.
4. Тўлиқ лексик мувофиқлик.

Тўлиқ лексик мувофиқлик – француз ва ўзбек тилларида камдан-кам учрайдиган ҳолат. Одатда, улар қуйидаги лексик гуруҳларга тегишли бўлади:

- 1) атоқли от ва географик жой номлари;
- 2) илмий ва техник атамалар;
- 3) ой, ҳафта, кун ва сонлар.

**Қисман лексик мувофиқлик.** Таржима амалиётида лексик бирликларнинг қисман мослиги кўп кузатилади. Қисман мослик манба матндаги сўзнинг таржима тилида бир қанча мувофиқликлари мавжуд бўлганда рўй беради. Унинг сабаблари қуйидагилар:

1) тилдаги кўплаб сўзлар полисемантик (яъни кўп маъноли) бўлиб, бир тилдаги сўз маъноси билан бошқа тилдаги сўз маъноси бир-бирига тўлиғича мос келмайди. Масалан: house (уй, бошпана, парламент ва ҳ. к), head (бош, калла, раҳбар, бошлиқ ва ҳ. к). Шунинг учун сўзларни таржима қилиш жараёнида уларнинг маънолари контекст ичида очиб берилади;

2) сўзларнинг синонимик қатор бўйича танланиши ва изоҳланиши. Синонимлардан фойдаланганда уларнинг семантик белгилари моҳиятини аниқлаш зарур. Шундай қилинганда синонимик қатор узвларининг маънолари, лексик ва стилистик маъноларидаги фарқлар, синонимик қаторлар айрим компонентларининг бириктирилган имкониятлари ҳисобга олинади: dismiss, discharge – ишдан бўшатмоқ (китобий тилда); sack, age – ҳайдамоқ (оғзаки нутқда);

3) ҳар бир сўз ўзининг номинатив маъносига эга. Турли тилларда номинатив бирликлар бир хил маъно англатиши мумкин. Чунки ҳар бир тилнинг номинатив бирлигида шу тилга хос «воқеликни турли қисмларга бўлиб ифодалашнинг турли тамойиллари» мавжуд.

Белгилар турлича бўлишига қарамай, таржима қилинаётганда ҳисобга олиниши керак бўлган миқдорни ташкил қиладиган эквивалентлик айнан бир хил маънога эга эмас: hot milk with skin on it – қаймоқ тутган иссиқ сут.

Умуман мос келмаслик. Хос сўзларни таржима қилишда луғавий бирликларнинг ўзаро лексик мувофиқ келмаслиги кузатилади.

Қуйидаги гуруҳга кирувчи сўзларни лексик муқобили мавжуд бўлмаган турга киритиш мумкин: 1) кундалик ҳаётда ишлатиладиган хос сўзлар (дўппи, чопон, бешик); 2) атоқли отлар ва географик жой номлари; 3) табрик ва қутловлар; 4) газета ва журналлар номлари; 5) оғирлик ва узунлик ўлчов бирликлари ва ш. к.

Илмий адабиётларда бир миллатга хос нарса, буюм, воқеа-ҳодисаларнинг ёки, умуман, хорижий сўзларнинг ўзга тилларга кўчиб юриши биргина адабий алоқаларнинг, хусусан, таржиманинг ривожланишига боғлиқ эмас. Бу халқаро алоқаларнинг, сиёсий-тарихий, маданий воқеа-ҳодисаларнинг ўзга халқлар дунёқарашига таъсири билан ҳам боғлиқ. Айнан шу туфайли, масалан, рус тили орқали ўзбек тилига сиёсат, дин, иқтисод ва илм-фанга оид кўплаб хорижий сўзлар сингиб кетган. Бу ўринда хорижий адабиётлар таржимаси орқали ўзбек китобхонларига, кўпинча, тушунарли бўлмаган кўплаб тушунчаларни ифодаловчи хос сўзлар кириб келаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хос сўзлар таржимасида, одатда, икки хил қийинчиликка дуч келинади: 1) аслият тилига хос сўзларга мос эквивалентнинг мавжуд эмаслиги; 2) аслият тилидаги хос сўзлар, мазкур халққа доир миллий, тарихий колоритни таржима қилинаётган тилда тўлалигича ифодалашнинг мураккаблиги.

Шу нуқтаи назардан, хос сўзлар таржимасида қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

1) байналминал характердаги хос сўзлар. Таржимада улар ўз шаклида бирлашиши мумкин;

2) фақат маълум бир ҳудуд ёки миллатга хос воқеа-ҳодисалар. Улар шу миллат турмуш тарзига хос тушунчаларнигина ифодалайди. Агар таржимон бундай ўзига хосликни тушунмай, уни бошқа маъно ифодаловчи сўз билан ўгириб қўйса, асарнинг миллий колорити, сўз ифодалаган маънонинг ўзига хослигига путур етказган бўлади. Бундай ҳолларда хос сўзлар хорижий тилдаги шаклда берилиб, изоҳи ҳавола (сноска)да берилади.

3. Айрим хос сўзлар матн ичида ўзича қолдирилиб, контекстнинг ичида изоҳи келтирилади.

Шундай қилиб, хос сўзларнинг таржимасида қуйидаги усуллар кўпроқ кузатилади:

- 1) транскрипция;
- 2) транслитерация;
- 3) таржима орқали янги сўз – неологизм ҳосил қилиш;
- 4) сўзма-сўз (калька) таржима қилиш;
- 5) маъноси яқинлаштирилган сўз билан ўгириш;
- 6) хос сўзни изоҳлаб баён қилиш;
- 7) контекстуал муқобил билан алмаштириш.

#### **4.4.Таржимада трансформациянинг структурал ва лексик-семантик жиҳатдан шартланиши**

Таржима қилинаётган текст ёки нутқнинг қандайлигидан қатъий назар, бир тилдан бошқасига ўгирилаётган ҳар қандай иш, яъни ҳар қандай таржима учун умумий бўлган икки ҳолат бор:

1. Таржимоннинг мақсади – асл нусха тилини билмаган китобхон (ёки тингловчи)ни ўша асар тексти (ёки оғзаки нутқ мазмуни) билан иложи борича тўла, мукамал таништириш.

2. Таржима қилиш – муайян тил воситалари билан бир қарра ифода этилган нарсани бошқа тил билан аниқ ва тўла ифодалаш демакдир. Таржима - қайта ишлаш, қайта ҳикоя қилиб бериш, қисқартириб баён этиш, назира, татаббуъ, тақлид, ҳар хил «адаптация»лардан ўзининг худди ана шу аниқлиги ва тўлалиги билан фарқ қилади. **Адаптация** – соддалаштириш; қийин текстларни соддалаштириб бериш демакдир. Бу сўзга “Ўзбек тилининг изохли луғати”да қуйидагича таъриф берилди: **“Адаптация”** – чет тилларни ўрганувчилар учун асар текстини соддалаштириб бериш ва шу тариқа соддалаштирилган текст.

**Назира** –Шарқ адабиётидаги анъанавий услублардан бири; ўтган ёки замондош адиб асарига ўхшатма тариқасида ёзилган асар. Назирани классик шоирлар татаббуъ деб ҳам юритишган. Навоий ўз “Хамса”сини Низомий “Панж ганжи”га татаббуъ деб атайди. Истеъдодли назирагўй адиблар маълум бир асарга ижодий ёндошиб, шу асар мавзуини бойитиш ва ривожлантириш, янги проблема ва ғоявий мотивларни кўтариш, янги образ ва характерлар яратишни мақсад қилган.

Татаббу, назира (арабча тақлид қилиб ўрганиш) – ўтмиш ёки замондош ёзувчи асарига ўхшатма жавоб тариқасида ёзилган оригинал асар. Татаббу боғлаш туркий ва форсий адабиётлар тарихида қадимий анъанага эга бўлган. Ўзбек адабиёти тарихида Хўжандийнинг “Латофатнома” (14-аср охири), Амирийнинг “Дахнома”, Саид Аҳмад ибн Мироншоҳнинг “Таашшукнома” (15-аср) асарлари Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” сига татаббу сифатида майдонга келган. Татаббу боғлашнинг етук намунаси Навоийнинг ҳамсанавислик фаолиятида намоён бўлди.

Тақлид (арабча кўчириш, нусха олиш, ўхшатиш, анъана) (адабиёт тарихида) – ўтмиш феодал-сарой адабиётида ғоявий қашшоқлик ва шаклбозликнинг асосий кўриниши. Пайравчилик, пайрав адабиёти деб ҳам юритилади. Сарой тақлидчи шоирлари ўз салафларининг ёки, кўпинча, мансабдор мартабали шоирларнинг шеърлятига эргашиб, мазмун ва бадиий тасвир воситаларини айнан такрорлаб ижод этганлар. Сарой адабиётига хос тақлидчилик 19-асрнинг 1-ярмида Қўқон хони Амир Умархон (Амирий) саройида, Хоразм хони Муҳаммад Раҳим II (Фируз) саройида авж олди.

Асарни ўз тилига ўгириш мақсадида қўлга олган таржимоннинг асл нусхани англаши уч босқичда содир бўлади:

**биринчи босқичда** матн сўзма-сўз, яъни филологик тарзда идрок қилинади. Бу босқичда бир қанча таржима қусурлари рўй бериши мумкин: бошқа тилдаги бир сўзни худди шундай жаранглайдиган бўлак сўз билан қориштириш; яқин тилларда сохта эквивалентлар домига тушиб қолиш; контекстни нотўғри ўзлаштириш, айрим хос сўзларнинг маъносига тушуниб етмаслик; муаллифнинг муддаосини англамаслик;

**иккинчи босқичда** – услубий омилларга эътибор қилинади. Текстни тўғри ўқиган китобхон лисоний ифоданинг услубий омилларини ҳам англайди, яъни

кайфият, пичинг ёки фожиавий маъно, охангдорлик ёхуд воқеани куруқ баён қилишга мойиллик ва ҳоказо. Росмана китобхон барча бу сифатларни англаб етиши шарт эмас, таржимон эса автор қандай қилиб тегишли натижага эришаётганини аниқлаши, тадқиқ этиши лозим. Таржима оддий ўқишга нисбатан китобга анча юқори талаб билан онгли муносабатда бўлиши талаб қилинади;

**учинчи босқич** – айрим тил воситаларининг услубий ва маъно-мазмунини англашдан таржимон асарнинг бадиий яхлитлигини, бадиий воқелик ходисаси, характерлар, уларнинг муносабати, авторнинг ғоявий ниятини англашга ўтади. Текстни англашнинг бу йўли анча мураккаб ва оғир – муаллиф яратган бадиий воқеликни тўлалигича идрок этиш учун таржимон кенг мушоҳада қувватига эга бўлмоғи даркор. Асл нусҳани тўлалигича қамраб олиш, идрок этиш учун, айтайлик, режиссёрга қандай тассаввур қуввати талаб этилса, таржимонда ҳам ана шундай тасаввур қобилияти бўлиши зарур.

Санъаткор-таржимон билан ноқобил, ношуд таржимон ўртасидаги фарқ шундан иборатки, биринчиси асл нусха билан таржима масофаси орасида текст ортидаги характерлар, вазиятлар, ғояларнинг маъно-мазмунини чақади, иккинчиси бўлса фақат китоб матнининг ўзинигина кўр-кўрона қабул қилади ва фақат сўзларни ўгиради, холос.

Таржима жараёнида икки ҳолат рўй беради. Биринчидан, таржима қилиш учун даставвал ўгирилаётган нарсани тушуниш, аниқлаш ва талқин қилиш керак. Бу эса она тилида рўй беради. Бошқача айтганда, бунда таржима унсурлари содир бўлади. Иккинчидан, таржима қилиш учун асар ўгирилаётган тилда мувофиқ ифода воситаларини топиб асосий синтактик тузилмани ўзгартириш лозим.

Асосий синтактик тузилмани тил қонун-қоидалари асосида ўзгартириб, иккинчи бир тузилма ҳосил қилиш **трансформация** дейилади (лот. *transformatio* – қайта тузмок). Тиллараро (таржимавий) трансформациялар уч турдан иборат: **лексик трансформациялар, грамматик трансформациялар, лексик-грамматик (синтактик) трансформациялар.**

**Лексик трансформацияларга** қуйидаги таржимавий усуллар киради:

**транскрипция, транслитерация, калькалаш ва лексик-семантик ўзгартиришлар ( конкретлаштириш, генерализациялаш ).**

**Транскрипция** (лот. *transcriptio*–кўчириб ёзув)-бу ўзга тил сўзи таркибидаги товушни она тили алифбоси асосида ёзиш.

**Транслитерация** (лот.*trans*-орқали + *litera*-ҳарф) - бу бир тил алифбосига оид матнни бошқа бир тил алифбосидан фойдаланиб, ёзувда аниқ акс эттириш. Бунда ўз тилида талаффуз қилинмайдиган ёки ўзича талаффуз қилинадиган товушнинг ҳарфи ўзича сақланади.

**Калькалаш** – бу ўзга тилнинг лексик, фразеологик бирликларининг моделлари асосида ўз тил унсурларидан фойдаланиб, янги сўз ёки фразеологик бирликлар ҳосил қилиш.

**Калька** (фран. *calque* – копия, тақлид) – ўзга тил материалдан қисмма-қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз ёки бошқа бир тил бирлиги. Калькалар лексик, семантик, фразеологик бўлиши мумкин. **Лексик калька** – бу ўзга тил

луғавий бирлигидан қисмма - қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз; луғавий калька. Масалан, “кўрсаткич” сўзи рус тилидаги “указатель”, қўлёзма сўзи рус тилидаги “рукопись”, “темир йўл” сўзи рус тилидаги “железная дорога”, “дунёқараш” сўзи рус тилидаги “мировоззрение”, “ишчи кучи” сўзи рус тилидаги “рабочая сила” сўзини калькалаш йўли билан ҳосил қилинган сўзлардир. **Семантик калька** – бу ўзга тилга оид сўз билдирадиган маънони ўзлаштириш натижасида ўз тилдаги сўзга шу маънонинг берилиши. Масалан, йўлдош сўзининг Ер йўлдоши бирикмасидаги маъноси, ғилдирак сўзининг тарих ғилдираги бирикмасидаги маъноси, оқим сўзининг сиёсий оқим бирикувидаги маъноси семантик калька натижасида ҳосил бўлган маънолардир. **Фразеологик калька** – бу ўзга тил фразеологик бирлигидан қисмма-қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган фразеологик бирлик. Масалан, бармоқ орасидан қарамоқ фразеологизми русча смотреть сквозь пальцы фразеологизмини калькалаш натижасида ҳосил бўлган.

**Генерализация** — бу таржима қилинаётган бирликнинг маъноси таржимада кенгроқ берилиши. Таржима жараёнида маълум бир маънога мос келадиган маънони топиш.

**Грамматик трансформациялар**-бу таржимада таржима қилинаётган тилнинг нормаларига мос тушган ҳолда гапнинг структурасини ўзгартириш. Грамматик трансформацияларга қуйидаги таржимавий усуллар киради: *сўзма-сўз таржима, гапларнинг бўлиниши, гапларнинг қўшилиши, грамматик ўзгартиришлар (сўз тартибини ўзгартириш, сўз туркумларини алмаштириш).*

**Аддиция** -содда гап таркибининг уюшиқ бўлақлар билан кенгайтирилиши.

**Адъюнкция** — синтактик бирлик таркибига шу таркиб мазмунига мувофиқ келадиган янги сўзнинг киритилиши.

**Номлашиш** - предикатив синтагманинг номловчи синтагманинг номловчи синтагмага айлантирилиши.

**Пермутация** – гап бўлақларининг бир хил синтактик тузилишда ўрин алмаштириши.

**Субституция** - синтактик тузилма таркибидаги бир сўзни бошқа сўз билан алмаштириш.

**Лексик-грамматик трансформацияларга** қуйидаги таржимавий усуллар киради: *антонимик таржима, экспликация (тасвирий таржима), компенсация.*

**Антонимик таржима** - бу аслиятдаги маънони қандайдир қарама-қарши маънога эга бўлган тушунча билан алмаштириш ҳамда таржимада ифодани маъно моҳиятига путур етказмай ифодалаш.

**Тасвирий таржима** – бу маънони тасвирлаш йўли билан очиб бериш.

**Компенсация** (йўқотганни тўлдириш) – бу аслиятдаги таржима қилиб бўлмайдиган элементни аслиятдаги ғоявий-бадий характерга мос равишда элементлар билан алмаштиришдир.

Таржиманинг лексик муаммоларини ўрганишнинг муҳим жиҳати бўлажак таржимонларни пухта тайёрлаш, юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш йўллари билиш, кўникмаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Таржима жараёнида вужудга келадиган лексик муаммолар, уларнинг тўлиқ, қисман ва умуман мос келмаслик даражаларини ўрганиб чиқиш, тўлиқ лексик мувофиксизликда қўлланиладиган методларни тўғри қўллай билиш таржима сифатининг ошишига кўмаклашади. Бу борада муқобилсиз лексика, яъни хос сўзлар таржимаси масаласини чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ.

### **Мунозара учун саволлар:**

1. Таржима жараёнида пайдо бўладиган умумий муаммолар ҳақида сўзлаб беринг.
2. Таржима жараёнида қандай лексик муаммолар кузатилади?
3. Нима сабабдан аслият ва таржима тиллари орасида лексик муаммолар пайдо бўлишини изоҳланг.
4. Лексик трансформациянинг турлари деганда нимани тушунасиз?
5. Қайси таржима турларида лексик муаммо кўп учрайди?
6. Таржимада мавжуд бўлган лексик муаммолар қандай ҳал этилади?

### **5-МАНЗАУ: Таржиманинг лексик-семантик муаммолари. Терминлар таржимаси. Қисқартма отлар таржимаси.**

#### **Режа:**

1. Термин тушунчасининг таърифи.
2. Терминларлардаги ҳар хилликлар ва уларни бартараф этиш йўллари
3. Аббревиатураларнинг қўлланишига доир.
4. Аббревиатураларни юзага келтирувчи энг асосий омиллар.

Жамият ривожланар экан, тил ва нутқ ҳам ривожланиб боради. Жумладан, ҳар бир жамиятнинг тараққиётига қараб, тил тизимига янги сўзлар, терминлар кириб келади ва муайян тилнинг луғат таркибини бойитади.

Термин нима? Термин (лат. *Terminus* — чек, чегара, белгиси) фан техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, илатилиши доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмасидир. Терминлар бир маънода бўлиши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади. Масалан, лингвистик терминлар: *ган, эга, от, сон, товуш*, геометрияга оид терминлар: *айлана, учбурчак...*; физикага оид терминлар: *жисм, босим, ҳаракат, майдон*; кимёга оид терминлар: *сув, қумуш, олтин, тузлар ва бошқалар*.

Маълумки, ҳар бир давр луғавий таркибининг ўзига яраша сўз, атама, ибора ва маълум маънода терминлари бўлади. Бу терминлар ўз навбатида бошқа халқлар тилларига кириб бориши мумкин. Масалан: а) *морфология, синтаксис, фонетика, грамматика, лексикология, метонимия, метафора, синекдоха, эпитет, империализм, феодализм, социализм, физиология, фонология, психология* ва ш.к. каби терминлар чет тиллардан ўзбек тилига XX аср бошларида кириб келган илмий терминлардир.

Шу билан бир қаторда ўзбек тилига баъзи терминлардан ташқари XX асрда янги атамалар ҳам кириб келди. Масалан: *партия, район, область, депо, трамвай, троллейбус, такси, кафе, ресторан, инспектор, буфет, секретарь, педагогика, институт, факультет, аудитория, лекция, консультация, проф/ессор, доцент; ручка, парта, студент, лаборатория, конституция, докторантура, опера, директор, бригада, декан, бухгалтерия* х.к.

Бу даврда бир вақтда ўзбек тилининг ўзида ҳам неологизмлар — янги сўзлар пайдо бўла бошлади. Масалан: *раис, муъро, муоинн, табелчи, мудир, мухбир, мухарририят, мухаррир* каби бир нечта сўзларнинг келиб чиқиши собиқ шўролар тузуми даврига тўғри келади. Буни давр талаби билан боғлашимиз керак.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан дадил бормоқда. Энди биз собиқ шўролар тузумидан воз кечиб, янги жамият қуриш ислохотларини амалга оширмоқдамиз.

Юқорида айтилганидек, янги жамият қурилар экан, янги сўз, атама ва терминлар кириб келаверади. Шу билан бирга, баъзилари давр тақозоси билан эскиради. Атамаларнинг кириб келишини жамият тараққиёти билан боғлаш мумкин. Масалан: *район, область, совет, билет, маршрут* каби бир нечта атамалар ҳозирги даврда эскирган сўзлардир. Баъзи атамаларнинг эса ўзбек тилида муқобили маълум мақсадларга кўра ишлатилияпти. Масалан: *инспектор-назоратчи, секретарь-котиб(котиба), лекция-маъруза, студент-талаба, министр-вазир, автовокзал-шоҳбекат, комитет-қўмита, тема-мавзу, профсоюз-касаба уюшма, бухгалтер-ҳисобчи, кассир-ҳазиначи, диспетчер-таъминотчи, шофёр-ҳайдовчи* кабилар. Бундай номланишни вариантлашиш деб айтиш мумкин. Ўз навбатида баъзи атамалар алоқа воситаси сифатида, оғзаки ва ёзма нутқимизда ўз ҳолича сақланиб қолиши ҳам мумкин. Масалан, *ресторан, буфет, партия, институт, факультет, аудитория, консультация, профессор, доцент, лаборатория, республика, опера, директор, декан* каби кўплаб атамалар шулар жумласидандир. Чунки бу атамалар халқаро атамалар бўлиб, улар бошқа атамалардан яшовчанлиги билан ажралиб туради.

Шу ўринда шуни такидлаш лозимки, кейинги йилларда *термин* сўзи ўрнида кўпинча *атама* сўзи қўланиляпти. Бундай қўллашни тўғри деб бўлмайди. Чунки *атама* сўзининг маъноси нисбатан кенг бўлиб, у барча нарсаларнинг номи сифатида тушунилади, *термин* эса муайян бир соҳада қўлланувчи сўздир. Демак, *термин* тушунчаси *атама* тушунчасининг тор доираси бўлиб, маълум соҳаларгагина алоқадордир.

*Морфология, лексикология, синтаксис, фонетика, грамматика, метонимия, метафора, синекдоха, эпитет, империализм, феодализм, социализм, физиология, фонология, психология* каби илмий терминлар ҳам худди шундай хусусиятга эга.

Юқорида кўрсатилган илмий терминлардан ташқари баъзи лингвистик терминлар борки, улар соф ўзбекона терминларга айланди: эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол, сифат, сон, келишик, олмош, феъл, от кабилар.

Биз тўхталиб ўтган юқоридаги терминлар тўғрисидаги таълимот тилшуносликнинг терминология соҳасида ўрганилади. Терминология бу латинча *termin + logos* — сўз, таълимот деган маънони билдириб, бирор илм, касб ва бошқа соҳага оид терминлар мажмуидир. Масалан, грамматик терминология, санъат терминологияси ва бошқалар.

Дарҳақиқат, ҳозир ресиубликамизда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик жамият куриш учун янги ислохотлар ўрнатилаётган бир даврда тилимизга янги сўз ва атамалар кириб келиши табиий ҳолдир. Айниқса ҳозирги даврда чет давлатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий, спорт, савдо-сотик алоқалари ривожланмоқда. Бу алоқалар натижасида қуйидаги сўз, атама ва терминлар кириб кела бошлади: *магистр, бакалавр, бизнес, фермер, рейтинг, тест, маклер, репетитор, менежмент, департамент, грант, маркетинг, сервис, офис, биржа, фирма, лицей, коллеж, акционер, аукцион* каби атамалар ҳозирги кунда оғзаки ва ёзма нутқда қўлланилиб, луғат бойлигимизни оширмоқда. Буларни соҳалар бўйича ўрганиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, давлатлар, халқлар ўртасида иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, савдо-сотик алоқалари ривожланар экан, ўз навбатида бизнинг ўзбек тилимиздан ҳам бошқа тилларга янги сўз ва атаманинг кириб бориши кузатилмоқда. Бугунги кунда ўзбек кураши мусобақалари бутун жаҳонда ўтказиладиган спорт мусобақалари турига киритилаётган экан, бу шуни кўрсатаптики, ўзбекча сўз ва атамаларнинг бошқа халқлар тилларига кириб бориши шубҳасиз. Мисол учун: *кураш, чала, ёнбош* каби сўзлар бошқа миллатларнинг луғат бойлигига айланади. Шунга ўхшаш *маҳалла, чойхона* каби сўзларимиз ҳам бошқа тилларга тўғридан-тўғри таржимасиз кириб бораётганлиги сир эмас (рус тили назарда тутилмоқда). Ўзбек тилида баъзи атамалар таржимаси, яъни тўлиқ калькаләш натижасида ҳам янги сўзларнинг пайдо бўлаётганлиги кўринмоқда. Мисол учун *тадбиркор, ширкат, ҳиссадор, маҳкама, девонхона* кабилар.

Биз юқорида терминларнинг илмийлигига тўхталган эдик. Юқоридагиларга қўшимча қилиб шуни айтмоқчимизки, терминлар соҳаларга қараб атамаларга ҳам айланиши мумкин. Мисол учун: тиббиёт терминлари: *уролог, невропатолог, терапия, кардиология, травматология, хирургия, гинекология* кабилар халқ орасида бугунги кунда атама сифатида яшамоқда. Чунки баъзи терминлар борки, улар атамалашини хусусиятига эга. Қиёсланг: иқтисод терминлари: *бизнес, банк, молия, бозор, қимматбаҳо қозғозлар, биржа, солиқ, улгуржи нарх, кўтара савдо*. Сиёсий терминлар: *демократия, империализм, дипломатия, партия, сайлов, реформа* каби. Демак, терминнинг баъзилари атамалашини хусусиятига эга. Масалан: «Кўрқанидан



юраги тез-тез ура бошлади» (сўзлашувдан) деганимизда, «юрак» сўзи оддий кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган сўзга айланади, яъни атамага. «Юрак» сўзига тиббиёт нуқтаи назаридан ёндошсак, у тиббий терминдир.

Қиёсланг: Илмий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, **дарё, сув** сўзлари географик термин ҳисобланади: Дарёдаги сув лойқаланиб оқар эди (Телевидениедан). Гапдаги **дарё, сув** сўзлари эса атамалашмоқда.

Юқорида келтирилган мисолларга таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, атамаларнинг баъзилари терминлашиш хусусиятига эга.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир жамиятнинг ўз термин, атама ва сўзлари бўлиб, улар давр ўзгариши, жамият ўзгариши билан янгилашиб боради, баъзилари эскириши мумкин, баъзиларини янги муқобиллари билан алмаштириш ҳам мумкин. Нима бўлганда ҳам тилдаги бундай ўзгаришлар маълум бир тилнинг тараққиётини белгилайди.

«Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши, айниқса, 1991 йил 31 августда қабул қилинган мустақиллигимиз ўзбек тилининг мавқеини мустаҳкамлашга кенг имкониятлар яратди. «Давлат тили ҳақида»ги қонунда ўзбек тилининг муҳим соҳаси бўлган атамашуносликка ҳам эътибор қаратилган.

Ушбу қонуннинг 7-моддасида шундай фикрлар мавжуд:

“Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан унга ҳамма эътироф этган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди.”

Бу банднинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга эди, чунки, терминларни кўриб чиқишга бўлган уриниш, интилиш сўнгги йилларда жуда авж олган эди. Бу уринишлар натижасида атамашуносликда қуйидаги ҳолат вужудга келди, яъни «руслаштириш» сиёсати қарши кураш бошланди. Натижада рус тилидан ва бу тил орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар шошилиш равишда ўзбекчалаштирила бошлади. Бу иш қуйидаги ижобий натижаларни берди:

1. Кўплаб ўзбекча сўз ва терминлар ўз ўрнида қўлланила бошлади. Масалан: союз — уюшма, совет — кенгаш, управление — бошқарув, идеология — мафкура, план — режа, текст — матн, тема — мавзу ва ҳоказо.

2. Мустақиллик даври атамалари юзага келди. Масалан: Истиклол, миллий мафкура, миллий дастур, истиқлол ғояси, академик лицей каби ва бошқалар.

Терминларнинг шошилиш равишда таржима қилиниши натижасида қуйидаги ноқулайликлар ҳам юзага келди:

1. Ўз луғат бойлигимизга айланиб кетган ўзлашма сўзлар ўрнига ўзбекча таржималар берилди. Масалан: олийгоҳ — университет, лаборатория — тажрибахона, прејскурант — нархнома, посилка - жўнатма, инструктор - йўриқчи.

2. Алмаштириладиган сўзлар ўрнига яна чет тиллардан сўзлар олинди. Масалан: офицер - зобит, рўзнома — газета, мажалла — журнал, тайёра — самолёт.

3. Бир тушунча бир неча сўз билан ифодалана бошлади, натижада синоним терминлар юзага келди. Масалан: журнал — мажалла, жариди, ойбитик, ойнома. Самолёт — учоқ, тайёра.

Бу шошма-шошарлик натижасида ўзбекчалаштирилган сўзлар маълум вақт матбуотда ишлатилиб турган бўлса-да, улар тилимизга сингиб кетмади, халқ тилига ўзлашмади. Натижада яна аввалдан қўлланиб келган сўзларга қайтилди.

Бир тушунчани англатаётган термин «ўзбекчалаштирилиши» натижасида қатор чет сўзлар билан атала бошлаганига мисол тариқасида *журнал* сўзини олишимиз мумкин. Аслида латинча бўлган бу сўз француз тилига ўзлашиб, ундан рус тилига ўтган. Ўзбек тилига рус тили орқали ўзлашган бу сўз ҳамма учун тушунарли эди. Унинг ўрнига *жарида*, *мажалла* каби яна тилимизга ёт сўзларнинг қабул қилиниши ёки «ойнома», «ойбитик» каби журналнинг хусусиятини акс эттира олмайдиган сўзлар билан алмаштирилиши ҳеч қандай натижа бермади. «Аэропорт» сўзининг «тайёрагоҳ» деб ўзгартирилиши аэро — билан бошланувчи 20 га яқин атамаларни қандай аҳволга солиб қўйганини тасаввур қилиш мумкин. Масалан: аэродинамика, аэростат ва ҳоказо.

Амалда қўлланилаётган терминлар ўрнига ўйлаб топилган ёки бошқа тилдан зўраки киритилган муқобилларга амалий-нутқий эҳтиёж йўқлиги туфайли улар яна унутила бошлади. Айрим сўзларнинг қабул қилинган муқобиллари шу сўзнинг туб моҳиятини тўла очиб беролмайди, баъзан эса мутлақо бошқа маънони англатади. Масалан: процедура — тартиб, таомил деб олинган. Унда «водная процедура»ни нима деб таржима қиламиз? Оборот — ўрам деб олинса, «товар оборот»ни нима деймиз? Бундай ҳолатда синоним, омоним терминлар кўпая бошламайдими?

Кейинги пайтда айрим терминлар турлича қўлланилмоқда. Бу ҳол айрим мактаб дарсликларига ҳам кириб борди. Масалан: *синоним*, *омоним*, *антоним* сўзларининг ўрнига ҳозирда *маънодош*, *шаклдош*, *зид маъноли* сўзлари қўлланмоқда. Бир тушунчанинг турли дарсликда турлича аталиши ўқувчиларни чалкаштиришдан бошқа ҳеч қандай натижа бермайди. Шунингдек, «ундош сўзлар», «ихчам гаплар» каби янги ихтиро қилинган сўзлар ҳам юқоридаги ҳолатнинг такроридир.

Терминларни қўллашдаги бундай ноаниқликлар тилимизда чалкашликни юзага келтиради.

Аслида, термин сўзнинг туб моҳиятини, лексик маъносини акс эттириши керак. Шундай экан, уларни қўллашда, муқобилини танлашда шу хусусиятни асос қилиб олишимиз керак.

Терминлардаги ҳар хилликлар ҳақида сўз юритганда аввало ҳозир параллел ҳолда қўлланилаётган «термин» ва «атама» сўзларига эътиборни қаратиш лозим. «Атама» сўзи барча номларнинг (жой номлари) аталишини билдиради. «Термин» эса фан-техника, касб-ҳунарга оид, яъни маълум бир соҳага тегишли тушунчани ифодалашга хизмат қилади. Фикримизча, бу икки сўзни синоним тарзида параллел қўллашдан кўра ҳар иккисини ўз ўрнида қўллаш маъқулроқ. Терминларга муносабат билдиришда тил ўз ички имкониятлари асосида ҳамда иқтисодий, илмий, маданий алоқалар туфайли четдан сўз ўзлаштириш ҳисобига ҳам ривожланишини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Барча терминларни ўзбекчалаштиришнинг иложи йўқлигини сўнги йиллардаги беҳуда уринишлар кўрсатди. Тилга хоҳлаган сўзни киритавериш, ёқмай қолса, чиқариб ташлаб

бошқасини танлаш мумкин эмас. Бундай ҳаракат адабий тил меъёрларининг шаклланиши ва қўлланиши қонуниятига зиддир.

Терминларни бир хиллаштиришга тилнинг ривожланиш қонуниятига, унинг ўзига хос талаб ва эҳтиёжига қараб, илмий ўлчовларга амал қилган ҳолда ёндашиш керак.

### **3. Аббревиатураларнинг қўлланишига доир**

Аббревиатуралар ҳозирги кунда кенг қўлланадиган бирликка айланиб бормокда. Улар ёрдамида ижтимоий ва табиий, техник фанларнинг терминлари, саноат соҳаларининг, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқалари, корхоналарнинг номлари, давлат муассасалари, ўқув юртлари, ҳарбий соҳа терминлари ва номлар ўз ифодасини топмокда.

Аббревиатураларнинг юзага келиши ва тарқалишида халқаро алоқаларнинг кенг йўлга қўйилиши ҳам муҳим омиллардан саналади. Ҳозирги кунда турли соҳаларга доир хусусий қисқартмаларнинг қўлланиши ҳам **кўпайиб** бормокда.

Аббревиатураларни юзага келтирувчи энг асосий омиллар қуйидагилар:

1. Бошқа тиллардан тайёр ҳолдаги қисқартмаларни ўзлаштириш. Масалан: ФИФА — (франц. Fédération Internationale de Football Association), НАТО, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЭКОСАН, ЭКОСОС каби.

2. Калька усулида ва тил имкониятлари асосида, Масалан: ДАН — Давлат автомобиль назорати, ФА — Фанлар академияси, БМТ — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ИИББ — Ички ишлар бош бошқармаси, ЎТМ — ўрта таълим муассасаси, ОТБ — Осиё тараққиёт банки.

Амалда қўлланилиб келаётган аббревиатураларни (қисқартмаларни) 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Лексик қисқартмалар.
2. График қисқартмалар.

Лексик қисқартмаларга ном-атама бирликлари, оғзаки нутқда қўлланувчи тушунча англатувчи қисқартмалар, алифбодаги ҳарфлар асосидаги номланишлар кирса, график қисқартмаларга эса тилнинг ёзма шаклидаги турли қисқартмалар киради. Шу асосда ўзбек тилида қўлланувчи аббревиатураларни структуравий тузилиш жиҳатдан қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Фақат бош ҳарфлардан тузилган аббревиатуралар: ДТС — Давлат таълим стандартлари, ДТМ — Давлат тест маркази, ЕТТБ — Европа тикланиш ва тараққиёт банки, МДХ — Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги каби.

2. Сўзларнинг бўғинларидан тузилган қисқартмалар: Тошвилтранс — Тошкент вилоят транспорти каби.

3. Аралаш турдаги қоришиқ қисқартмалар: ЎЗМУ — Ўзбекистон Миллий университети, ЎзХДП — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзДфантехин — Ўзбекистон Давлат фан техника институти каби.

4. Қисман қисқартирилган аббревиатуралар: Ўздонмахсулот, Ўздавнашр, Ўзнефтьгазқурилиш, Ўзёғмойтамакисаноат каби.

5. График қисқартмалар. Бу тур қисқартмалар фақат ёзма нутқда қўлланиши билан бошқа қисқартмалардан фарқланади. График қисқартмалар турли кўринишларда мавжуд бўлиб, ҳар бир соҳанинг эгалари учун тушунарли бўлади. Масалан: доц. — доцент, акад. — академик, ф.ф.н. — филология фанлари номзоди, Т. — Тошкент, кг — килограмм, м - метр каби.

Шунингдек, ҳамма учун тушунарли бўлмаган хусусий қисқартмалар ҳам шу кўринишда кўпроқ учрайди. Ёзма нутқда график қисқартмаларнинг сўзнинг ўзак қисмидангина иборат бўлган — юнон. — юнонча, араб. — арабча, форс. — форсча каби ҳамда тўлиқсиз ўзакдан иборат — пед.— педагогика, мед. — медицина каби кўринишлари ҳам мавжуд.

Тилнинг лексикаси номлаш асосида шаклланади. Лексема предмет, белги, ҳаракат каби тушунчаларнинг тилдаги номи бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда номлаш билан аташ тушунчалари фарқланади. Бу кўпроқ от туркумига оид сўзларда учрайди. Отлар асосан номловчи сўзлардан, қисман атовчи сўзлардан таркиб топгандир. Масалан: муҳаббат — маълум бир ҳис-туйғунинг номи сифатида номловчи сўз, атаб қўйилган исмни билдирганда эса атовчи сўзга айланади.

Аббревиатуралар эса асосан атовчи бирликлар сифатида изоҳланади. Аташ аббревиатураларда турли шаклларда намоён бўлади. У асосан терминологик системага тегишлидир. Турли соҳаларга оид атамаларнинг юзага келишида аббревиатуралар хизмат қилади. Масалан: 1 ) матбуот ва ахборотга оид атамалар: ЎзТВ, ТТВ, Телерадиокомпания; 2) спортга оид атамалар: ФИФА, УЕФА, МАСК — Марказий армия спорт клуби, ЎЗМЧ — Ўзбекистон Миллий чемпионати каби; 3 ) илмий ва умуммаданий ташкилотларни билдирувчи атамалар: ЎЗРФА

Фанлар Академияси, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби; 4) сиёсий партияларнинг, давлат ҳокимияти ташкилотларининг атамалари: ЎзХДП - Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ИИББ - ички ишлар бош бошқармаси, ДАН - Давлат автомобиль назорати; 5) иқтисодиётга, ички ва ташқи савдога оид атамалар: ОТБ - Осиё тараққиёт банки, ЎЗМБ - Ўзбекистон миллий банки, Ўздонмахсулот, Ўзমেvasабзавотузум; 6) маориф, халқ таълими ва санъатга оид атамалар: ДТМ - Давлат тест маркази, ДТС — Давлат таълим стандартлари, ОТМ - Олий таълим муассасаси, Ўзбекнаво каби.

Аббревиатуралар асосида шаклланган атамалар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Бу шуни кўрсатадики, аббревиатуралар тилда турлича шаклланидиган фаол бирликлар саналади. Хусусий қисқартмалар ҳам кўплаб учрайди. Бу ҳолат тилда аббревиатуралардан фойдаланишни бир мунча қийинлаштириб қўймоқда. Ноўхшов, ўқиш қийин бўлган аббревиатуралар ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳар бир соҳа атамалари каби соҳага оид аббревиатуралар ҳам қўлланиб турилиши керак. Ўта хусусийлашиб кетган қисқартмаларга эса йўл қўйилмаслиги керак.

## **6. МАВЗУ: Таржиманинг грамматик муаммолари. Грамматик маъно турларини таржимада ифодалаш.**

### **Режа:**

1. Таржима жараёнида грамматик муаммолар ва уларни бартараф этиш усуллари.
2. Таржимада морфологик мувофиқлик.
  - 2.1. Тўлиқ мувофиқлик .
  - 2.2. Қисман мувофиқлик .
  - 2.3. Мос келмаслик .
3. Таржимада синтактик мувофиқлик тушунчаси

**Таълимий мақсад:** талабаларни таржима жараёнидаги грамматик бирликлар ва уларнинг мувофиқ муқобилларини топиш усуллари билан таништириш.

**Таянч сўз ва иборалар:** қиёсий грамматика, таржимада грамматик муаммолар, грамматик род таржимаси, грамматик мувофиқлик, олмошлар таржимаси, предлоглар таржимаси муаммоси, морфологик мувофиқлик, синтактик мувофиқлик, грамматик трансформация.

Француз, ўзбек, рус тиллари типологик ва генетик жиҳатдан турли хил тиллардир. Француз ва рус тиллари ҳинд –европа тиллар оиласининг роман ва славян гуруҳларига киради .Ўзбек тили эса Олтой тиллар оиласининг туркий тиллар гуруҳига мансубдир .

Морфологик жиҳатдан француз тили аналитик, рус тили синтетик хусусиятга,ўзбек тили агглютинатив (грамматик шакл ва ясама сўзларнинг сўз ўзаги ва негизига аффикслар қўшилиши натижасида ясаладиган тилдир .

Грамматик турланиш категорияси рус ва ўзбек тилларига хос.

Француз тилида гаплардаги сўз тартиби қатъий .

### **S+P – Elle parle. Les enfants contents .**

Агар кесим транзитив феъл билан ифодаланса:

S – P – COD. – Le professeur explique la règle .

Les étudiants écrivent les exercices.

Гап бўлаклари таркибидаги ҳар қандай ўзгариш маънонинг бузилишига олиб келади . Грамматик мувофиқликнинг 3 тури мавжуд: 1. тўлиқ; 2.қисман; 3. номувофиқлик ;

Грамматик мувофиқликни 2 қисмга бўламиз: -Морфологик; Синтактик ;

1. Тўлиқ морфологик мувофиқлик грамматик категориялар бор бўлганда кузатилади. Масалан: замон категорияси; сон категорияси; нисбат категорияси;

Je parle –я гаворю – Мен гапиряпман .

Nous parlons – мы говорим – Биз гапиряпмиз .

Parlez! Говорите! Гапиринг !

Les étudiants - студенты - талабалар .

1. Қисман морфологик мувофиқлик тиллардаги грамматик категориялар бири-бирига мос келмаган ҳолларда кузтилади .

Масалан: келишик – рус тилида 6 та – ўзбек тилада 6 та – француз тилида йўқ  
Бундай ҳолларда одатда тилдаги бошқа воситалар билан ифодаланади .

Морфологик номувофиқлик тилда грамматик категорияларнинг мос келмаслигида кузатилади. Масалан: ўзбек тилида эгалик грамматик категорияси мавжуд. У аффикслар орқали ифодаланади, бу грамматик категория француз тилида ҳам рус тилида ҳам йўқ.

O`zbek	Rus	Fransuz
Kitobim -	моя книга -	mon livre
Оиламиз -	наша семья-	notre famille

Француз тилида аниқлик ва ноаниқлик артиклар орқали ифодаланади. Ўзбек ва рус тилларида эса бу грамматик категория лексик ва синтактик воситалар орқали ифодаланади.

Un soir je suis allé au cinéma  
Бир куни кечқурун мен кинога бордим  
Однажды вечером я пошла в кино  
Un homme est entré dans la chambre  
Какой-то человек вошёл в комнату  
Қандайдир бир киши хонага кирди

### Синтактик мувофиқлик

1. Тўлиқ синтактик мувофиқлик тузилишидаги мувофиқлик бўлиб гаплардаги сўз тартиби .

Masalan: un stylo rouge – қизил ручка –красная ручка

Adj+N une large rue -широкая улиица – кенг кўча

Une belle maison – красивый дом – чиройли уй

Лекин француз тили ўзига хос, кўп бўғинли сифатларда, ранг билдирувчи сифатларда отдан кейин қўйилади .

Une pomme rouge –красивая яблока –қизил олма.

Subject +verbe – Elle danse –она танцует

Elle marche –она ходит – у юряпти

Қисман синтактик мувофиқлик –маънонинг мувофиқлиги, лекин тузилишидаги фарқ қиладиган жиҳатлари бўлади.

Масалан: Атлас кўйлак –N+N

Шойи рўмол – N+N

Стеклянная чашка – ADJ+N .

Шиша найча –стеклянная труба

Une montre en or – золототые часы –олтин соат

Қисман синтактик мувофиқликни гапда биз сўз тартиби, сўз тушиб колдириш, сўзларнинг ўрини алмаштирилганда бир–бирига тўғри келмаслигини тушунамиз.

*Бу ерда чекиш мумкин эмас !*

*Здесь не курить!*

2. Синтактик мувофиқликнинг йўқлиги таржима манба тилда ишлатиладиган, лекин таржима қилинаётган тилда маълум синтактик тузилишнинг бўлмаслиги тушунилади .

Масалан: Il aime la ville où son enfance est passé.

Он любит город, где прошло его детство.

У болалиги ўтган шаҳарни яхши кўради .

Грамматик мос бўлмаслик деганда 1 та ёки бошқа грамматик шакл , ёки конструкция ишлатилишида мослик бўлмаслиги, сўзларнинг бирикишида фарқ бўлиши бир хил маънога эга бўлган сўз туркумларининг бўлмаслиги тушунилади.

Бир тилни бошқа тилдан ажратиб турувчи белгилар тизими мавжуд. Шундай тиллар жумласига инглиз ва ўзбек тиллари ҳам киради. Уларнинг грамматик тизимлари типологик ва генетик жиҳатдан фарқланади. Инглиз тили ҳинд-европа тиллар оиласининг герман тиллар гуруҳига, ўзбек тили эса олтой тиллар оиласининг туркий тиллар гуруҳига киради. Француз тили морфологик тузилишига кўра ўзгарувчан аналитик характерга ва ёзилиш жиҳатидан синтетик характерга эга. Ўзбек тили эса аглютинатив тил ҳисобланади.

Қуйидаги мисолларни қиёслаб ўрганиш орқали тиллар ўртасидаги фарқларни кузатиш мумкин:

The hunter killed the wolf. – Овчи бўрени ўлдирди.

I go to school. – Мен мактабга бораман.

Бу мисоллардан ўзбек тилида гап тузилиши инглиз тилидагидан фарқ қилишини кўрамиз. Француз тилида сўз тартиби ўзгартирилса, гап маъноси ҳам ўзгаради.

Инглиз тилида дарак гапда сўз тартиби Subject–Predicate (S–P) тартибида ифодаланади. Бунда инглиз тилида эга (S) гапнинг бошида, кесим (P) эса эгдан кейин келади. Агар кесим ўтимли феъл билан ифодаланса, кесимдан кейинги ўринда тўлдирувчи келади: S–P (Vtr)–O.

Аmmo ўзбек тилида сўз тартиби инглиз тилидаги сўз тартибидан тубдан фарқ қилиб, қуйидагича ифодаланиши мумкин:

S–O–P (Vtr).

Инглиз тилидаги сўз тартибини ўзбек тилидаги сўз тартиби билан қиёслаш ўзбек тилида сўзларнинг жойлашиш тартибини ва тўлдирувчининг ўрнини ўзгартириб бериш имконияти мавжудлигини кўрамиз.

Овчи бўрени ўлдирди.

Бўрени овчи ўлдирди.

Овчи бўри ўлдирди. (Сўзлашув нутқида).

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, сўз тартиби инглиз ва ўзбек тилларида умуман фарқ қилади. Булардан ташқари, ўзбек тилидаги таржимада -ни келишиқ қўшимчаси гапга янада аниқлик киритиб келмоқда.

Инглиз ва ўзбек тиллари жумлаларини грамматик-морфологик ва синтактик жиҳатдан мослашувига кўра уч турга бўлиш мумкин:

1. Тўлиқ мослашув.
2. Қисман мослашув.
3. Умуман мос келмаслик.

Тўлиқ морфологик мувофиқлик бир хил грамматик категорияли тилларда бир хил маъно англатганда кузатилади. Инглиз ва ўзбек тиллари грамматикасида ҳам сон категорияси бир-бирига жуда яқин.

Plural (Бирлик) Singular (Кўплик)  
book (китоб) books (китоблар)

Қисман морфологик мувофиқлик грамматик категориялар бир хил маънони бериб, маъноси маълум даражада фарқланганда юзага келади. Буни отлардаги келишик категориясида ҳам кўриш мумкин.

Иккала тилда ҳам келишикнинг маъноси бир хил, лекин улар сони ва ифодалаётган маънолари нуқтаи назардан фарқланади. Инглиз тилида иккита, ўзбек тилида эса олтига келишик бор. Умуман морфологик мос келмаслик. Бу ҳолатни грамматик категорияларнинг умуман мос келмаслигида кузатишимиз мумкин. Масалан, ўзбек тилида эгалик категорияси эгалик қўшимчалари орқали ифодаланади.

Ўзбек тилида English  
Китоб-им my book  
Китоб-инг your book  
Китоб-и his/her book

Ўзбек тилидаги эгалик категорияси инглиз тилидаги эгалик категориясига умуман тўғри келмайди. Ўзбек тилида эгалик категориясини ифодалаш учун эгалик қўшимчасидан фойдаланилса, инглиз тилида олмошлардан фойдаланилади.

Инглиз тилида отларнинг аниқ ёки ноаниқлигини ифодалаш учун муайян артиклдан фойдаланамиз. Аммо ушбу грамматик воситанинг ўзбек тилида мос варианты мавжуд эмас. Бу ҳолда артиклар маъноси тилнинг лексик ва синтактик воситалари ёрдамида берилади.

Энди инглиз ва ўзбек тилларидаги грамматик мувофиқликнинг синтактик жиҳатдан мослашувини кўриб чиқамиз:

Тўлиқ синтактик мувофиқлик деганда, структура мослиги, сўз бирикмалари ва гап бўлақларининг мослашуви тушунилади. Ўзбек ва инглиз тилларида тўлиқ синтактик мувофиқлик камдан-кам ҳолларда учрайди. Тўлиқ синтактик мувофиқликни Adjective + Noun қолипидаги сўз бирикмасида кузатишимиз мумкин: white flag – оқ байроқ.

Худди шундай ҳолатни содда гапларнинг кесими ўтимли феъл билан ифодаланганда ҳам кўришимиз мумкин: He laughed. – У кулди.

Қисман синтактик мувофиқлик. Қисман синтактик мувофиқликда сўз бирикмаларида маънолар мослиги бўлса-да, структураси бир-биридан фарқланади. Сўз бирикмаларидаги қисман синтактик мувофиқлик қуйидагича:

1. Синтактик жиҳатдан аниқловчили сўз бирикмалари ясалишида инглиз тили ўзгаришларга бой бўлмаган тил ҳисобланиб, аниқловчилар, асосан, сўзлар



жойлашиши воситасида (Noun1+Noun2 структурасига биноан) ясалади ва куйидаги турдаги муносабатларни ифодалайди:

Атрибутив:

English Ўзбек тилида

Glass-tube шиша найча

N1+N2 1+NN2

Бу мисолларда инглиз ва ўзбек тилларида фарқ кузатилмайди. Эгалик кўшимчалари: house-plan [N1+N2] – уй плани [N1+N2 (-и)] – план дома [N1+N2 (-а)].

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, инглиз тилида ўзгариш йўқ, аммо ўзбек (-и кўшимчаси) ва рус (-а кўшимчаси) тилларида ўзгариш кузатиляпти.

Яна бир мисол: workers club [N1+N2] – ишчилар клуби [N1 (-лар + -нинг) +N2 (-и)].

Қисман синтактик мувофиқлик биринчи компоненти сон билан ифодаланган сўз бирикмаларида ҳам кузатилади:

English Ўзбек тилида

one book битта китоб

two books иккита китоб

three books учта китоб

four books тўртта китоб

ive books бешта китоб

Инглиз ва ўзбек тилларида кўпликнинг ифодаланиш усули иккинчи таркибий қисм (компонент)да фарқланади.

English Ўзбек тилида

Num+Npl. Num+Nsing.

Бундан кўринадики, ўзбек тилига нисбатан инглиз тилидаги мисолларда иккинчи компонентда ўзгариш мавжуд.

Умуман синтактик мос келмаслик дейилганда, аслият тили билан таржима тили ўртасидаги маълум синтактик конструкциялар етишмаслиги ёки мос келмаслиги тушунилади.

Инглиз тилида бу синтактик конструкциялар гапнинг тўлиқ бўлмаган ёки иккинчи даражали бўлақларини ташкил қиладиган феълнинг шахссиз шакллари билан ифодаланади. Предикатив конструкцияларнинг семантик вазифаси ҳаракатларнинг бир-бири билан ўзаро алоқада бўлиши ва муайян вазиятда мослашишини билдиради. Ушбу конструкциялар билан гапнинг бош бўлақлари ўртасида расман грамматик боғлиқлик бўлмаса-да, улар ўртасида доимо мувофиқлик мавжуд. Предикатив конструкцияларда ҳаракат ёки ҳолат содда ва кўшма гаплар таржимасида аниқланади. Масалан: I heard the door open. – Эшик очилганини эшитдим.

Грамматик трансформация турлари. Бир тилдаги маълумотни бошқа бир тилда ифодалаш учун бир қанча лексик ва грамматик трансформация турларидан

фойдаланишга тўғри келади. Қуйида грамматик трансформациянинг грамматик ўрин алмаштириш, грамматик транспозиция, грамматик тушириб қолдириш, грамматик қўшиш каби турларини кўриб чиқамиз.

Грамматик ўрин алмаштириш деганда, бир гап бўлагини бошқа бир гап бўлаги билан ёки бирор сўз шаклини бошқа сўз шакли билан алмаштириш тушунилади. Грамматик ўрин алмаштиришда икки ҳолат кузатилади: а) гап бўлақларини алмаштириш; б) сўзнинг грамматик шаклларини алмаштириш.

Ўрин алмаштириш орқали таржима қилишнинг бир неча сабаблари мавжуд:

– таржима қилинаётган тилда аслиятдаги грамматик шакл ёки конструкцияларнинг мавжуд эмаслиги;

– шакл ва конструкцияларнинг бирикишида мувофиқликнинг етишмаслиги, шунингдек, лексик сабабларга кўра турли хил мослашувлар ва сўзларнинг ишлатилиши;

– худди шу маънодаги гап бўлагининг етишмаслиги.

Қуйидаги мисол инглиз тилидаги иккита гапнинг бўлақлари ўрнини алмаштириш орқали феълнинг маънолари очиқ берилади:

He says he will come. – У келишини айтяпти.

He said he would come. – У келишини айтди.

Ўзбек тилида шунга ўхшаш сўз шакли бўлмаганлиги туфайли сўзларнинг маънолари бошқа грамматик воситалар ёрдамида ифодаланган.

Ўзбек тилида феъл функцияси сифатдош қўшимчаси -жак ёки ҳаракат номи - (и)ш қўшимчалари билан ифодаланadi.

Гап бўлақлари ўрнини алмаштиришнинг шартли ва ихтиёрий турлари мавжуд. Таржимада шартли ўрин алмаштириш аслият тилидаги гап бўлақларида ишлатилган воситанинг таржима тилида мавжуд эмаслиги ёки мос келмаслигида кўринади (масалан, инглиз тилидаги артикль).

Ўзбек тилида артикль бўлмаганлиги учун уни таржима қилишда турли лексик ва грамматик воситалардан фойдаланилади. Артикль гумон, кўрсатиш олмошлари, сон ва урғу вазифаларида ҳам келиши мумкин. Шунинг учун ўзбек тилида артикларнинг маъносини берадиган турлича воситалардан фойдаланилади: When we were in Majorca, there was a Mrs. Leech there and she was telling us most wonderful things about you. (A. Christie) – Биз Майоркада бўлганимизда қандайдир миссис Лич бор эди. У бизга сиз тўғрингизда жуда кўп қизиқарли нарсаларни айтиб берганди. (А. Кристи)

Бу таржимада гумон олмошларидан ноаниқ артикль ўрнида фойдаланилган.

Ихтиёрий ўрин алмаштиришда контекстдаги маънога қараб ўрин алмаштирилади: The climb had been easier than he expected. – Кўтарилиш у кутгандан кўра осонроқ кечди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, инглиз тилидаги аниқ артикль билан келган от ўзбек тилида инфинитив билан берилган.

Грамматик алмаштиришлар аслиятдаги грамматик бирликнинг таржима тилига ўзгача грамматик маъно билан ўгириладиган таржима усули ҳамдир. Манба

тилининг исталган сатҳидаги грамматик бирлик алмаштирилиши мумкин: сўз шакли, нутқ қисми, гап бўлаги, маълум турдаги гап. Таржимада ҳар доим МТ шаклининг ТТ шаклига алмаштирилиши юз беради.

Синтактик қайта қуриш кўп ҳолларда инверсияли гап таржимасида, яъни сўзларни тескари тартибда таржима қилиш зарурияти бўлган гапларда талаб қилинади. Инверсия стилистик ёки маъновий талаблардан келиб чиқади. Инглиз тилида инверсия жуда ифодали эмфатик восита ҳисобланади.

Грамматик алмашинувда аслиятдаги грамматик бирлик таржи ма тилида бошқа грамматик белги билан алмаштирилади. Бу сўз категориялари (род, сон), сўз туркумлари, гап бўлаклари алмашинуви орқали амалга оширилади. Масалан, инглиз тилида кўпликдаги от таржимада бирликда от билан келиши ёки аксинча бўлиши мумкин. Масалан, money (бир-ликда) – деньги (кўпликда) – пул (бирликда); struggles (кўплик-да) – борьба (бирликда) – кураш (бирликда).

We are searching for talent everywhere. (Бирликда) – Мы по-всюду ищем таланты. (Кўпликда) – Биз ҳамма жойдан талантларни қидиряпмиз. (Кўпликда).

They left the room with their heads held high – Они вышли из комнаты с высоко поднятой головой. (Бирликда) – Улар хонага бошларини ғоз тутганларича киришди. (Кўпликда).

Энг кўп тарқалган грамматик трансформация тури сўз туркумлари алмашинувида кузатилади. Бунда отларнинг феъл ва сифат билан алмашинуви кўпроқ учрайди:

He is a poor swimmer. – Он плохо плавает. – У ёмон сузади.

She is no good as a letter-writer. – Она не умеет писать письма. – У хат ёзолмайди.

I am a very rapid packer. – Я очень быстро укладываюсь. – Мен тезда йиғиштириб бўламан.

Таржимада сўз туркумларини алмаштириш гап таркибининг ўзгаришига олиб келади. Масалан, қуйидаги жумла таржимасида эга ўрин ҳоли билан алмаштирилган:

Аслият: The last week saw an intensification of diplomatic activity.

Русча таржима: На прошлой неделе наблюдалась активизация дипломатической деятельности.

Ўзбекча таржима: Ўтган ҳафтада дипломатик муносабатларнинг фаоллашуви кузатилди.

Ноаниқ артикль таржимада «one» сони ёки гумон олмоши билан алмаштирилиши мумкин.

She solved the problem at a blow. – У муаммони бир зумда ҳал этди.

**Грамматик транспозиция** деганда, манба тили билан таржима тилидаги лингвистик элементларнинг ўрин алмашиши тушунилади.

Транспозициянинг икки тури мавжуд: 1) гап бўлаклари ўрнининг алмашиши; 2) қўшма гапларда синтактик боғлиқлик.

Сўзларни тушириб қолдириш грамматик трансформациянинг бир тури бўлиб, грамматик компонентларнинг қисқартирилишида кузатилади: He raised his hand. – У қўлини кўтарди. Бу гапда «his» (ўз) олмоши тушиб қолган.

Кўшиш грамматик трансформациянинг шундай турики, унда аслият тилидаги грамматик ва семантик компонентларни таржима тилида сўз кўшиш орқалигина қайта тиклаш мумкин:

### **Хулоса**

Таъкидлаш жоизки, грамматика тилнинг устунидир. Ушбу устунсиз ёки устуннинг нотўғри қурилиши ҳар қандай муқобиллиги юқори даражадаги таржимани ҳам йўққа чиқаради.

Таржима жараёнидаги морфологик ва синтактик тўлиқ муқобил, қисман муқобилликлар ёки умуман мос келмаслик ҳолатларини олмош, артикль, грамматик род, феъл ва бошқа грамматик категориялар орқали ўрганиш муаммолар ечимида қайси йўлдан боришни аниқ кўрсатиб беради.

### **Мунозара учун саволлар:**

1. Таржима жараёнида пайдо бўладиган грамматик муаммолар қайсилар?
2. Нима сабабдан таржима жараёнида грамматик муаммолар пайдо бўлади?
3. Француз ва ўзбек тиллари мисолида грамматик род таржимаси муаммосига мисол келтиринг.
4. Француз ва ўзбек тиллари мисолида олмошлар таржимаси муаммосига мисол келтиринг.
5. Француз ва ўзбек тиллари мисолида феъллар ва, умуман, предлоглар таржимаси муаммосига мисол келтиринг.
6. Артиклар таржимаси ҳақида сўзланг.
7. Француз ва ўзбек тиллари мисолида эргашган қўшма гаплар, мураккаб қўшма гаплар ва изоҳловчилар таржимаси муаммосига мисол келтиринг.
8. Грамматик сатҳдаги номуносивбликнинг таржима матнга кўрсатадиган таъсири ҳақида сўзланг.
9. Аслият тилида бўлган, аммо таржима тилида кузатилмайдиган грамматик ҳодисалар қандай таржима қилиниши мумкин?
10. Аслиятда атайлаб бузиб берилган сўзларни қандай таржима қиламиз?

## **7- МАВЗУ: Таржиманинг грамматик муаммолари. Таржимада грамматик трансформациялар.**

### **Режа:**

1. Таржимада трансформация турларидан фойдаланиш.
2. Грамматик трансформациянинг турлари.
3. Таржимада ўрин алмаштириш.
4. Гап бўлагини алмаштириш.
5. Синтактик бирликларни алмаштириш.

**Таълимий мақсад:** талабаларни таржима жараёнидаги лексик ва грамматик бирликларни таржима қилишда қўлланиладиган трансформациялар билан таниш тириш.

**Таянч сўз ва иборалар:** грамматик трансформация, лексик трансформация, транскрипция, транслитерация, гап бўлақларининг алмашиши, тушириб қолдириш, қўшиш, умумлаштириш, конкретлаштириш, модуляция, синтактик мослашув, синонимик маъно, ибора ва сўз ясаши.

Таржима жараёнида бир тилдаги лексик бирликлар иккинчи тилга трансформация қилинган ҳолда ўгирилади. Таржима амалиётида қуйидаги лексик трансформациялардан фойдаланилади:

- транскрипция ва транслитерация;
- конкретлаштириш (аниқлаштириш);
- генерализация (умумлаштириш);
- модуляция;

Грамматик трансформацияларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- синтактик мослашув;
- гапни бўлақларга бўлиб таржима қилиш;
- содда гапларни қўшма гапларга айлантириб таржима қилиш;
- сўз шакллари, туркумлари ва гап бўлақларини алмаштириш.

Таржима жараёнида қуйидаги лексик-грамматик трансформациялар амалга оширилади:

- антонимик таржима;
- тасвирий таржима;
- компенсация.

Транскрипция ва транслитерация усуллари. Транскрипцияда хорижий сўзнинг талаффуз шакли, транслитерацияда эса унинг график шакли қайта тикланади.

Аслият ва таржима тилларининг фонетик тизимларидаги тафовутлар кўпроқ транскрипция усулидан фойдаланишга олиб келади. Масалан: *absurdist* – абсурдист (абсурд асар муаллифи); *kleptocracy* – клептократия (ўғрилар олий табақаси); *skateboarding* – скейтбординг (роликли тахтада учуш). Бу жараёнда инглиз тилида талаффуз қилинмайдиган айрим товушларнинг талаффуз қилиниши, унлиларнинг редукция ҳолатлари кузатилади: *Dorset* – Дорсет; *Campbell* – Кэмпбелл; *boss* – босс; *Hercules missile* – ракета «Геркулес»; *deescalation* – деэскалация; *Columbia* – Колумбия.

Айрим тарихий шахслар, географик жой номларини таржима қилишда анъанавий шакллардан фойдаланилади: *Charles I* – Карл I; *William III* – Вильгельм III; *Edinburgh* – Эдинбург.

**К а л ь к а л а ш** – аслиятдаги лексик бирликни таржима тилидаги лексик бирлик билан алмаштиришни кўзда тутуди ва таржима тилида янги сўз ва ибора ясашига олиб келади: *superpower* – сверхдержава – ҳукмрон давлат; *mass culture* – массовая культура – оммавий маданият; *green revolution* – зеленая революция –

яшил революция; land-based missile – ракета наземного базирования– ерда ўрнатилган ракета; Rapid Deployment Force – силы быстрого развертывания – тез ҳаракатланувчи кучлар; transnational – транснациональный – трансмиллий; petrodollar – нефtedоллар; miniskirt – мини юбка.

Конкретлаштириш лексик-семантик трансформациянинг асосий турларидан бири бўлиб, луғавий маънони таржима тилида конкретлаштириш, генерализациялаш (умумлаштириш), модуляция (маъносини кенгайтириш) ҳисобланади. Конкретлаштириш аслиятдаги кенг маънода ишлатилган маънони тор маънода ишлатишни кўзда тутди.

Конкретлаштириш усулидан, одатда, аслиятдаги лексик бирлик ифодалаган кенг маъноли сўз таржима тилида мавжуд бўлмаган ҳолларда фойдаланилади. Масалан, инглиз тилидаги thing оти мавҳум маънога эга (an entity of any kind) ва уни рус ва ўзбек тилларига ўгиришда, албатта, конкретлаштириш усулидан фойдаланилади. Инглизча meal сўзи турли нутқ усулларида кенг фойдаланилади. Шу боис унинг конкретлаштирилган шакли завтрак – нонушта, обед – тушлик, ужин – кечки овқат каби шакллари билан конкретлаштирилади:

**Г е н е р а л и з а ц и я** конкретлаштиришнинг акси бўлиб, аслиятдаги тор маъноли сўзни таржима тилидаги кенг, умумлаштирувчи сўз билан алмаштиришни кўзда тутди:

He visits me practically every week-end. – Он ездит ко мне почти каждую неделю. – У меникига қарийб ҳар ҳафта келади.

Генерализация стилистик мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, a young man of 6 feet 2 inches бирикмаси рус ва ўзбек тилларига молодой человек высокого роста –баланд бўйли йигит шаклида ўгирилиб, умумлаштирилиши мумкин. Чунки бу ўринда «фунт, дюм» сўзлари рус ва ўзбек китобхони учун унчалик тушунарли бўлмаслиги мумкин.

Айрим ҳолларда таржимон конкрет маъно ифодаловчи иборани умумлашган маънода ишлатиши мумкин.

Генерализация усули билан таржима тилида доимий эквивалентлар яратилиши мумкин: foot – нога – оёқ(лар); wrist watch – наручные часы – қўл соати.

**М о д у л я ц и я** – усули аслиятдаги лексик бирлик маъносини таржимада кучайтириб беришдир. Бунда аслият маъноси таржимада сабаб-оқибатни ифодаловчи маънолар орқали кучайтирилади: I don't blame them. – Я их понимаю. – Мен уларни тушунаман. (Сабаб муносабати оқибат муносабати билан ўгирилиб кучайтириляпти: Я их не виню потому, что я их понимаю. – Мен уларни тушунаман, шу сабабли айбламайман).

Модуляция орқали қилинган трансформацияда сабаб-оқибат муносабатлари, одатда, кенг маънода ифодаланади ва улар орасидаги мантиқий боғлиқлик ҳар доим сақланиб қолади:

**С и н т а к т и к** мослаш у в усули аслиятдаги синтактик структурани таржима тилидаги шундай структура билан ўгиришни тақозо қилади ва бу, одатда, аслият ва таржима тилларида шундай параллел структуралар мавжудлигидан

далолат беради. Бироқ бу ўринда структурадаги компонентлар айрим ўзгаришларга учрайди. Масалан, артиклар, ёрдамчи сўзлар тушириб қолдирилади, мустақил сўзлар айрим морфологик ўзгаришлар олади.

I always remember his words. – Я всегда помню его слова. – Мен унинг сўзларини доим эслаб юраман.

Гапни бир неча бўлақларга бўлиб таржима қилиш ҳам трансформациянинг бир тури бўлиб, аслиятдаги эргашган қўшма гапларни алоҳида гаплар шаклида таржима қилиш ёки содда гапларни қўшма гап сингари таржима қилишни кўзда тутди.

Грамматик алмашинувда аслиятдаги бирлик таржима тилида бошқа грамматик бирлик билан алмаштирилади. Бу сўз шакллари (род, сон), сўз туркумлари ва гап бўлақларини алмаштириш орқали амалга оширилади. Масалан, инглиз тилида кўпликдаги от таржимада бирликда берилади ёки аксинча бўлиши мумкин.

Масалан: money (бирликда) – деньги (кўплик-да) – пул (бирликда); struggles (кўпликда) – борьба (бирлик-да) – кураш (бирликда) ва ҳ.к.

Энг кўп тарқалган грамматик трансформация тури – бу сўз туркумлари алмашинувида кузатилади. Бунда отларнинг феъл ва сифат билан алмашинуви кўпроқ учрайди.

Қиёсланг:

He is a poor swimmer. – Он плохо плавает. – У ёмон сузади.

She is no good as a letter-writer. – Она не умеет писать письма.

– У хат ёзишни билмайди.

Антонимик таржима лексик-грамматик трансформациянинг бир тури бўлиб, аслиятдаги тасдиқ шаклидаги фикр таржима тилида инкор шаклда ёки аксинча берилишини ифодалайди.

Антонимик таржимада аслиятдаги тил бирлиги таржима тилига қарама-қарши маъно ифодаловчи бошқа сўз ёки иборалар билан ҳам ўгирилиши мумкин.

Экспликация ёки изоҳли таржимада аслиятдаги луғавий бирлик таржима тилига тушунтириш, изоҳлаш орқали ўгирилади ва, одатда, муқобилсиз лексикалар таржимасида фойдаланилади: conservationist – сторонник охраны окружающей среды – атроф-муҳитни ҳимоя қилиш тарафдори; whistle-stop speech – выступления кандидата в ходе предвыборной агитационной поездки – номзоднинг сайлов олди тарғибот сафари.

Компенсация аслият унсурларини таржима тилидаги воситалар ҳисобига тўлдириш учун қўлланади. Бунда аслият тилидаги грамматик воситалар таржима тилининг лексик воситалари орқали ифодаланади ёки, аксинча. Бу, кўпинча, аслиятда персонажнинг бузук нутқини таржима тилида ўзига хос воситалар орқали ўгиришда кузатилади. Масалан, инглиз халқи тилида учрайдиган айрим унли ва ундош товушларни ташлаб гапириш таржима тилида ҳам худди шундай воситалардан фойдаланиб, компенсация қилиш заруратини келтириб чиқаради. Масалан, it, аррен дейиш ўрнига a-singing, a-going, hit шакллари

фойдаланилади. Кўпинча, халқ тилида эга ва кесим орасидаги мослашув амалга оширилмайди: I was, you was. Бунда таржимон она тили айнан шундай ҳолатларда ишлатиладиган воситалардан фойдаланади. Бу орқали персонажнинг гапириш усули, унинг характеридаги ўзига хосликлар қайта тикланади.

### **Хулоса**

Трансформацияларни лексик ва грамматик турларга бўлиб ўрганиш жараёнида шуни англашимиз керакки, амалиётда ушбу ўзгаришлар доимо кузатилади. Юқорида айтиб ўтилган лексик ва грамматик трансформациялар қўллашдан асосий мақсад таржимонга юқори сифатли муқобилликка эришиш учун яна бир имконият яратишдир.

### **Мунозара учун саволлар:**

1. Таржима трансформациялари нима?
2. Таржимада ўрин алмаштириш нима?
3. Сўз шаклини алмаштириш нима?
4. Гап бўлагини алмаштириш нима?
5. Синтактик бирликларни алмаштириш нима?
6. Лексик бирликларни алмаштириш нима?
7. Компенсация нима?
8. Антонимик таржима нима?
9. Тушириб қолдириш нима?

## **8 МАВЗУ: ТАРЖИМАНИНГ СТИЛИСТИК МУАММОЛАРИ**

### **Режа:**

1. Таржима жараёнида стилистик муаммолар.
2. Аслият матн услуби.
3. Аслият тилида мавжуд бўлган стилистик бирликларни таржимада қайта яратиш.
4. Сўзнинг стилистик бўёқдорлиги.
5. Бадиий адабиёт таржимасида муаллиф услубини сақлаш масаласи.

**Таълимий мақсад:** талабаларни таржима жараёнидаги лексик бирликлар ва уларнинг мувофиқ муқобилларини топиш усуллари билан таништириш.

**Таянч сўз ва иборалар:** қиёсий стилистика, аслият матн услуби, стилистик воситалар, сўзнинг стилистик бўёқдорлиги, бадиий таржимада муаллиф услубини сақлаш, услубий муаммо, бадиий асар тили ва услуби.



Стилистика тилшуносликнинг ажралмас қисми бўлиб, у бадий нуткнинг ифодаланиш услублари, уларнинг таъсирчанлиги ва, умуман, инсон нутқини ўрганадиган фандир. Қиёсий стилистика бевосита қиёсий типология билан боғланган бўлиб, услубларни таҳлил қилиш йўллари, атамалар ва уларнинг тузилишини ҳам ўрганади. Бунда уларнинг мавҳумлик даражаси, маъно хусусиятлари, тўғри ва кўчма маъноларнинг ифодаланиши, сўзларнинг ўзаро боғланиш қоидаларига кўра таҳлил олиб боради. Шу йўналишда фразеологик турғун бирикма ва ўзгарувчи сўзлар таҳлили ҳам берилди.

Е. Г. Эткинд таржимани икки тилнинг қиёсий стилистикаси, дея таърифлайди. Чунки бадий таржиманинг вазифаси – асл нусханинг услубий қиёфасини ўз тилида қайта яратишдан иборат. Демак, қиёсий-услубий тадқиқот икки тил лисоний воситалари мазмунининг услубий жиҳатдан ўзаро мос келиш-келмаслиги ҳақида тўғри ҳукм чиқариш имконини яратади.

Бадий асар тили ва услуби хилма-хил бадий-тасвирий ва услубий воситалар силсиласининг ўзига хос равишда ранг-баранг шакл ва кўринишларда намоён бўлишидир. Улар асарнинг бадий қиймати ва образли асосини ташкил этади. Бу жараёнда айрим лисоний-услубий бирликлар шу восита ва услублар таркибидан шартли равишда ажратиб олиниб, илмий таҳлил қилинади. Зеро, асарнинг бадий образи асосини ташкил этадиган восита ва усуллар йиғиндиси таржимада қай даражада акс этганлиги кўп жиҳатдан унинг таркибидаги алоҳида лисоний-услубий воситалар вазифаларининг қайта яратилиш даражасига боғлиқ. Аммо таржиманинг аслият руҳини қай йўсинда ифода эта олганлиги ҳақидаги хулоса матний уйғунлик асосида чиқарилади. Бундан ташқари, аслият матнда унинг миллий хусусиятини белгилайдиган сон-саноксиз лисоний-услубий воситалар учрайдики, бундай ўзига хос буёкли бирликларга ўзга тарихий-маданий жараён соҳиблари бўлмиш халқлар тилидан гоҳо муқобил воситаларни танлаш имкони бўлмайди.

Мазкур бўшлиқ таржимоннинг аслият соҳибларига хос миллий хусусиятларга мурожаат қилиши орқали тўлдирилади. Бусиз ҳеч бир таржима ўз мақсадига эриша олмайди.

Таржимадаги услубий муаммолар икки тил матнларининг жанрларга кўра мувофиқ келишини тақозо этмайди. Шунинг учун таржимада аслият воситаларига вазифавий уйғун тил бирликлари танлаш муаммосини ўрганиш масаласи муҳим назарий аҳамият касб этади. Демак, қиёсий стилистика аслият ва таржима тиллари лисоний-услубий воситаларини қиёсий таҳлил қилиш орқали таржима амалиётини умумлаштириш

вазифасини қўйиб, таржима матннинг аслиятга мослик даражасини белгилаш учун хизмат қилади.

Метафора – икки нарсанинг айрим тасодифий белгиларига, бу белгиларнинг ўхшашлигига асосланган ифода усулидир. У луғавий-мантиқий ва кўчма-матний маъноларнинг ўзаро муносабатига асосланади. Масалан, «тил» ўз ва кўчма маънода қўлланган бирикмаларни кўриб чиқамиз: иссиқдан итнинг тили осилган (ўз маъносида); соатнинг тили, кўнғироқнинг тили (кўчма маъноларда).

Метафора инглиз тилидаги газета услубида жуда кўп қўлланади. Таржимада эса уларни ҳамма вақт ҳам метафора шаклида бериш қийин кечади.

Аслиятда мантиқан эркин маънодаги сўзлар ёрдамида баён этилган фикр таржима тилида ҳар хил луғавий маънога эга лисоний воситалар – аслиятдаги воситага моддий жиҳатдан яқин ҳамда ундан лексик таркиби билан фарқ қиладиган тил бирликлари ёрдамида ифода этилади. Контекстуал синонимик қаторни ташкил этадиган бундай вариантларнинг моддий жиҳатдан аслиятдаги бирликка яқини кўпроқ ўзга тиллар таъсирида ҳосил қилинган бўлади. Унинг нутқда, хусусан, таржимада учраши, сўзларнинг ўзаро бирикуви, фикрнинг меъёр доирасида ифода этилиши нуқтаи назардан ҳеч қандай эътирозга сабаб бўлмайди. Ундан лексик таркиб жиҳатидан фарқ қиладиган бирикма эса, асосан, азалдан таржима тилининг «мулки» ҳисобланади. Таржимада айнан шу вариантга мурожаат қилиш таржима тилининг табиийлигини юзага келтиради. Чунки бу йўл нафақат фикрнинг тўғри талқин этилишини, балки ифоданинг соф ўзбекона жарангдорлигини ҳам таъминлайди.

Масалан, рус кишиси фарзанд кўрмаган одамга нисбатан *он был бездетен* бирикмасини ишлатса, ўзбек жўнгина қилиб, у бефарзанд эди дейиши мумкин. Ифода ҳеч қандай эътирозга сабаб бўлмайди. Аммо она тили нозикликларини биладиган ўзбек бундай ноқулай вазиятда у тирноққа зор эди иборасидан фойдаланишни афзал кўради.

Питер Абраҳамснинг «Қабрдаги гулчамбар» романи персонажининг шикоятомуз оҳангда айтган *I didn't sleep last night* гапини ўзбек тилига моддий жиҳатдан аниқ Кеча мутлақо ухламаган эдим тарзида ўгириш ҳам табиий жаранглаган бўлар эди. Аммо санъаткорнинг ўз масъулиятига ижодий ёндашиб, мазкур фикрнинг соф ўзбекча баёни ҳақида ўйлаши жумланинг оғзаки нутққа хос Кеча мижжа қоқмаган эдим шаклидаги ажойиб талқинини юзага келтирган: *It gave me chance to sleep, I didn't sleep last night.* (WU, 131) – Ҳечқиси йўқ, қайтанга ухлаб олдим, кеча мижжа қоқмаган эдим. (ҚГ, 136).

Шундай қилиб, барча унсурлари ўз маъносида қўлланилган сўз бирикмалари ва ҳатто жумлаларни таржима қилишда ҳам моддий аниқлик йўлидан бориш ҳамма вақт ҳам кутилган таъсирчанликка олиб келавермайди. Прагматик мутаносибликка эришишда аслият матн бирликлари таржимасига ижодий ёндашиш, таржима тилида мавжуд синонимик вариантларнинг қайси бири ушбу ҳолатга кўпроқ мос келишини аниқлаш зарурати туғилади. Зеро, муайян фикр аслият тилида бир ифода ёрдамида баён этилса, таржима тилида моддий жиҳатдан ўзгача ифода воситаси орқали мақбулроқ акс эттирилади. Ўз она тилида жуда кўп сўз бойлигига эга моҳир таржимон, одатда, луғавий муқобилликдан кўра вазифавий уйғунликка кўпроқ эътибор бериб, бадий матннинг эстетик хусусиятини қайта яратади.

Шундай ҳол, айниқса, диалогик нутқ таржимаси мисолида янада яққолроқ кўзга ташланади. Бу, хусусан, маданият даражаси ва билим савияси билан бир-бирдан ажралиб турадиган персонажлар нутқи таржимасида кўпроқ намоён бўлади. Шундай қилиб, таржимон нафақат муайян услубий вазифа ифодаси учун қўлланган образли ёки ҳиссий-таъсирчан лисоний воситани, балки амалий жиҳатдан қийинчилик туғдирмайди деб тасаввур қилинадиган эркин маънодаги у ёки бу сўз ёхуд сўз бирикмасини ўгиришда ҳам ҳар доим ўша восита мазмунини таржима тилида қандай сўз ёки сўз бирикмаси аниқроқ ва тўлароқ ифода этиши мумкинлиги, мавжуд вариантлардан қайси бирининг аслият руҳига кўпроқ мос келиши ҳақида ўйлаши ва доим ўз олдида назарда тутилган фикрни қай тарзда янада равонроқ баён этиш мумкин деган саволни қўйиши зарур.

Меҳмонни таомга таклиф этаётган рус кишиси: «Прошу, к столу!» – дейди. Аммо ўз она тилидаги сўз бойлиги кўп ва ўзи мансуб халқ анъанасидан яхши хабардор ўзбек таомнинг стол устига тортилган бўлишига қарамасдан, меҳмонга: «Марҳамат, дастурхонга!» – дея лутф қилади.

Ўзбек тилида «ҳали буниси ҳолва» деган фразеологик бирлик мавжуд бўлиб, у, асосан, бирор азоб-укубатнинг келажақда муқаррар тарзда содир бўладиган ташвиш ва укубатлар олдида арзимас эканлигини образли ифода этади. Шу фикр инглиз ва рус тилларида эркин маънодаги сўзлар ёрдамида баён этилган экан, ўзбек тилида ҳам уни шу тариқа ифода этиш имконияти мавжуд. Аммо муқобил нутқий вазиятларда ўзбек тилида, одатда, қуйидаги мисол таржимасидагидек, эслатилган фразеологизмдан фойдаланиш табиий ўзбекона жарангдорликни юзага келтиради: Does that sting? Good, that's nothing to how it will feel later. The pain hasn't started yet. – Нима, куйдирыптимми?

Буниси ҳолва. Ҳамма хунарини кейин кўрсатади.

### Хулоса

Услуб – тилнинг бегагидир. Аслият тилининг ўзига хослигини, ундаги гўзал ва бетакрор жараёнларни таржимада акс эттириш – ҳар бир таржимон олдида турган вазифа. Бадий матн таржимони бу ҳодиса билан чамбарчас боғлиқ.

Стилистик бўёқдорликни акс эттириш таржимондан ўзига хос маҳоратни талаб этади. Бунда, албатта, прагматиканинг ҳам роли катта.

Таржиманинг стилистик муаммолари таржимондан бадий адабиётнинг қайта яратилишида муаллиф услубини сақлаш, ўзга маданиятга оид асар таржимасида услуб, шакл ва маънони бериш, асар қаҳрамонининг шахсини очиб беришда стилистик бўёқдор сўзлар таржимаси каби масалаларни бартараф этишни кўзда тутати.

#### **Мунозара учун саволлар:**

1. Таржима жараёнида қандай стилистик муаммолар пайдо бўлади?
2. Аслият матн услуби таржима жараёнида қандай ўзгаришларга учраши мумкин?
3. Аслият тилида мавжуд бўлган стилистик бирликларни таржимада берилишининг муаммолари ҳақида сўзланг.
4. Сўзнинг стилистик бўёқдорлиги нима?
5. Асар қаҳрамонининг шахсини очиб берадиган услубий бўёқдор сўзлар таржимаси ҳақида сўзланг.
6. Таржимада бирликларнинг грамматик сатҳда алмашиб келиши нимага олиб келади?
7. Бадий адабиёт таржимасида муаллиф услубини сақлаш муҳимлиги ҳақида сўзланг.
8. Бошқа маданиятга оид асар таржимасида қандай услубий муаммолар келиб чиқади?
9. Таржимада сақланиши лозим бўлган услуб, шакл ва маъно қандай таржима қилиниши зарур.
10. Аслият матн муаллифи услуби билан таржимон услуби яқин бўлиши керакми? Нима учун?

### **9-Мавзу: Tarjimaning pragmatik masalalari**

#### **Режа:**

1. Таржимада прагматика тушунчаси ва таржимашуносликда прагматиканинг ўрни.
2. Таржиманинг прагматик салоҳияти.
3. Таржима жараёнида прагматик маънонинг тушириб қолдирилиши.
4. Прагматик маънонинг асосий хусусиятлари.
5. Прагматик маъно ва таг билимлар.

**Таълимий мақсад:** талабаларни аслиятнинг прагматик хусусиятлари ва уни таржимада қайта тиклашнинг ўзига хос хусусиятлари, матннинг прагматик салоҳияти, уни таржимада акс эттириш, прагматик адаптация, таржиманинг аслият прагматик йўналтирилганлигига боғлиқлиги билан таништириш.

**Таянч сўз ва иборалар:** таржима прагматикаси, прагматик салоҳият, таржимада таг билимларнинг (фоновые знания) аҳамияти, прагматик маъно, трансформация, сўзнинг услубий бўёқдорлиги, прагматик алоқа, семантик алоқа, миллий бўёқдор сўзлар, таржимон малакаси, муаллиф услубини сақлаш.

Прагматика (юнонча прагма – ҳаракат) – муайян нутқ жараёнида белгилар ва уларнинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатни ўрганувчи семиотиканинг бир бўлимидир. Прагматикага бугунги кунда тил вакилларининг муайян сўзлар ва семантик конструкциялар ёрдамида ўз муносабатини билдириш ва суҳбатдошнинг муносабатини тушуниш даражаси, яъни мавжуд вазиятдан келиб чиқиб муносабат билдириш сифатида қаралади.

Прагматика амалиётининг ривожланишида уч босқич кузатилади:

Биринчи босқич. 1930 йилда «прагматика» атамаси биринчи марта семиология-семиотика (белгилар ҳақидаги фан)нинг бўлими сифатида қўлланилди. Карнапнинг таъкидлашича (1938), прагматика тилдан фойдаланувчининг сўз ва муносабатларига асосланган бўлади. Чарльз Моррис семиологияни 3 қисмга ажратади (1940): синтактика, семантика ва прагматика.

Грейснинг фикрича, имплицатуралар ҳарфий муқобили бўлмаган аспектлар маъно ва мантиқни ифодалашнинг маъқул йўли ҳисобланади. Яъни шу йўл билан тил бирликларининг шартли структурасида нима назарда тутилаётганлиги эмас, балки нимага ишора қилинаётгани ўрганилади.

Иккинчи босқич. 1950–1960 йилларда файласуфлар (Аустин, Серл ва Паул Грис) нутқ коммуникацияси ва имплицатура назариясини яратди.

Учинчи босқич. 1977 йилда Якоб Л.Мей Голландияда биринчи «Прагматика» журналининг нашр эттирди. 1983 йилда чоп этилган Левиннинг «Pragmatics», Жеофрей Личнинг «Principle of pragmatic association» номли китоблари бу соҳадаги жиддий тадқиқотлардан эди. 1988 йилда IPA (International Pragmatics Association)нинг ташкил этилиши прагматиканинг фанда долзарб йўналиш сифатида ўрин эгаллаганлигини кўрсатади.

Жаҳон тилшунослигида прагматиканинг Британия ва Америка мактаблари шаклланди. Бу мактаблар гап структураси ва грамматикасининг дейктик ифодалашга йўналтирилган эди. Прагматик маънонинг таъсири баён мазмуни ва шакли уйғунлигида намоён бўлади. Таржима жараёнида прагматик маънонинг маълум

қисми тушиб қолиши мумкин. Нойтбертнинг фикрича, прагматик маънонинг таржимага кўчиши қуйидагича содир бўлади:

- 1) таржимага кўчишнинг юқори даражаси (илмий-техникавий адабиёт ва ҳ.к.);
- 2) таржимага чекловлар билан кўчиш (бошқа тил вакиллари учун информацион-аналитик материаллар тайёрлашда);
- 3) аслият прагматикасининг деярли таржимага кўчмаслик ҳолати (матн муайян тил вакилларигагина қаратилган бўлса).

Катрин Райснинг таъбирича, прагматик маънони алоҳида етказиб бериш имкони йўқ. Таржима буюртмачининг манфаатларига мос келиши керак.

Кўринадики, прагматика – бу тил жамоасининг тил бирликларига бўлган субъектив муносабати. Уларнинг бу муносабатдаги компонентлари хусусиятлари тилнинг прагматик хусусияти тушунчасини келтириб чиқаради. Таъкидлаш жоизки, тилшуносликдаги прагматика тушунчаси фақатгина тил бирикмаларининг прагматикаси тушунчасини ўз ичига олмайди.

Бу тушунча анча кенг бўлиб, у ёки бу тилнинг коммуникатив жараён иштирокчилари ва воқеа сюжети хилма-хиллиги ҳамда иштирокчиларнинг малакасига ҳам боғлиқлигини ифодалайди. Айнан сўз икки ҳар хил гуруҳ вакиллари томонидан турлича қабул қилиниши мумкин. Мисол учун, «ҳаққа етишиш» бирикмаси илоҳият илмининг ҳадисини олган кишиларда бош қача тасаввур уйғотса, оддий кишиларда ёки ғайридинларда умуман бошқача тасаввур уйғотади. Тилнинг прагматик муаммолари референционал баҳоловчи маъноларни ўрганишга нисбатан кам тадқиқ қилинган.

Л.С.Бархударов таржимада рецепторнинг қабул қилиш даражасини ўрганишда ҳар бир сўзнинг лексик-семантик маъносини қуйидаги типларга бўлиб ўрганишни тавсия қилади:

- 1) сўзнинг стилистик тавсифи.
- 2) сўз маънолари рўйхати.
- 3) сўзнинг эмоционал бўёғи.

Сўзнинг стилистик тавсифи ва прагматик маъно. Ҳамма жанрларда қўлланувчи (яъни стилистик бетараф) сўзлар билан бир қаторда, қўлланиш доираси чекланган сўз ва сўз бирикмалари мавжудки, уларни маълум жанрлар ва тиллар учунгина қўллаш мумкин. Бундай чеклашлар сўзларнинг стилистик

тавсифини белгилаб беради. Шу мақсадда ҳам таржимашуносликда «стилистик тавсифнома» атамаси кўп қўлланади.

Маълумки, нутқни ифодалашнинг икки асосий кўриниши ҳисобланган оғзаки-сўзлашув ва ёзма турлари мавжуд. Ёзма нутқнинг қуйидаги асосий жанрлари мавжуд: 1) бадиий адабиёт; 2) расмий-илмий жанр; 3) публицистик жанр ва ш. к. Бу жанрларнинг ҳар бири кичик гуруҳларга бўлинади. Масалан: бадиий адабиёт – бадиий проза; драматургия ва шеърятга, расмий-илмий жанр расмий матнларга, публицистиканинг ўзи сиёсий адабиёт, газета ва журнал жанрлари каби турларга бўлинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, инглиз ва ўзбек тилларида қуйидаги стилистик характердаги сўзларни учратишимиз мумкин:

1.Нейтрал – луғат таркибининг ядросини ташкил қилувчи ва ҳамма жанрларда қўлланадиган сўзлар.

2.Оғзаки-сўзлашув – оғзаки нутқда, норасмий ва зиятларда ишлатиладиган сўзлар. Улар ёзма нутқда қўлланилмайди, аммо бадиий асарда персонаж нутқини ифодалаш учун истифода этилади.

3.Китобий– китобий нутқнинг ҳамма турида қўлланилувчи ва оғзаки сўзлашувда доимий ишлатилмайдиган, юзага келадиган маълум бир вазиятлардагина қўлланилувчи прагматик маъноли сўзлар.

4.Поэтик – фақат шеърятда ишлатиладиган кўтаринки руҳдаги прагматик маъноли сўзлар.

5. Терминологик – бу турга илм-фанга оид прагматик маъноли сўзлар киради.

Ҳар бир миллатнинг фикрлаш доираси, маънавий дунёси бир-биридан фарқ қилади. Буни, кўпинча, миллатнинг диний эътиқоди ва фалсафий мушоҳадаларининг турлича эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Аммо бир-биридан узоқ китъа ва ўзаро қардош бўлмаган тилларда умуминсоний тушунчаларни ифодаловчи сўзлар ҳам бор. Масалан, Хумбольдт университети ўқитувчиси доктор Дорис Шульс бир масалага эътиборни қаратади: немис ва ўзбек тилларидаги «меҳмондўстлик» (гастфроендштафт) сўзи бир хил маънодаги икки: гаст (меҳмон), фроендштафт (дўстлик) сўзларидан таркиб топган.

Демак, тили ва дини бўлакча халқлар орасида ҳам муштарак тушунчаларни англатувчи сўзлар мавжуд. Таржимондан ана шундай синчковлик билан ўз тили ва

таржима лексикасини қиёслаб ўрганиш, ҳар битта сўзнинг энг муқобил вариантини танлаш талаб қилинади.

Баъзи ҳолларда битта жумлада икки-уч хил прагматик эмоционал бўёк учраши мумкин:

Баъзан нейтрал ёки эмоционал прагматик маъно ифодаловчи сўзлар қаҳрамон характерини ёрқинроқ ифодалаш мақсадида макроконтекстдан келиб чиқиб, салбий эмоционал сўзлар билан алмаштирилиши мумкин. Масалан, Е. Ҳеменгуэйнинг «Алвидо, курол» асаридаги *“Девушки здесь увидели, что такое фронт”* жумласини Иброҳим Ғафуров *Бу онаси ўлмаган о й и м т и л л а л а р уруш нималигини шу ерга келиб билишган* шаклида таржима қилади. Бу ерда қизларнинг ҳолати таржимон қўллаётган киноя бўёғига эга бўлган прагматик маъноли сўз орқали очиқ берилади. Қуйида яна прагматик эмоционал маъноли сўзлардан мисоллар келтирамиз:

Money (нейтрал эмоционал).

Dough, Dash (салбий эмоционал).

Food (нейтрал эмоционал).

Meal, Dish (ижобий эмоционал).

Grub (салбий эмоционал).

To live (нейтрал эмоционал).

To hand out (салбий эмоционал).

Демак, оғзаки-сўзлашув нутқидаги сўзлар маиший (фамиляр) ва эркин сўзлашув гуруҳига, китобий лексикадаги сўзлар расмий сўзлар гуруҳига, шеърятда қўлланувчи сўзлар эса кўтаринки руҳиятдаги сўзларга мос келиши мумкин. Прагматик маънони ўгиришда қиёсий бирикмалар, метафоралар муҳим роль ўйнайди. «Тулқидек айёр», «эшакдек қайсар», «қуёндек қўрқоқ» каби метафоралар аслиятда учраса, уларни таржима қилишдан аввал таржима тилида ҳам шунга ўхшаш тасвирий ифода воситалари бор-йўқлигини аниқлаш, йўқ бўлса, контекст мазмунидан келиб чиқиб, уларни таржима тилидаги шу маъноларни англаувчи бош бирликлар билан алмаштириш яхши натижа беради.

Таъсирчан ва жонли нутқнинг вужудга келиши прагматик мазмундаги мақол, матал ва фразеологизмларга боғлиқ. Нотиқлар ўз нутқининг прагматик таъсирчанлигини ошириш учун ана шу воситалардан кенг фойдаланади. Шу



мақсадда ёзувчилар ҳам ўз асарларида мақол, матал ва фразеологизмлардан, жонли сўзлашув тилининг прагматик элементларини ўрни билан ишлатади. Фразеологик бирикмаларнинг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳар бир тилнинг ривожланиш тарихи, лингвомаданий ва минтақавий-географик шароити, қўлланиладиган лисоний воситаларнинг прагматик маъноси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, маҳалла ва кўчада ҳар куни ариқ билан юзлашадиган ўзбекларда Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ мақоли анча машҳур. Ота-боболаримиз ёнларидан оқиб ўтувчи беминнат ариқ суви орқали боғдорчилик қилиб, кўча бетларини кўкаламлаштирган. Аммо кишилар кунлик эҳтиёжга айланган сувнинг қадрига етмай, ариқларга ахлат тўкиб, ифлос қилган, бу ҳолат эса кишиларга беминнат хизмат қилувчи, аммо бу хизмати кадр топмаган одамга муқояса қилинган. Шунингдек, мазкур ибора орқали кишилар қадрламай қўйган буюм ёки воқеа-ҳодиса ҳам ифодаланади. Масалан: Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, ўзимизнинг қишлоқ касалхонасида ҳам муолажа учун шароит етарли бўлса, шаҳарга бориш қаёқдан чикди. Бироқ инглиз ва рус тилларида бу фразеологик бирликнинг муқобили йўқ:

«Таржима қилиниши мушкул тил бирликлари» тизимида салкам биринчи ўринда турувчи тил бирликлари прагматик маъноли муносабатларни ифодаловчи фразеологизмлар ҳисобланади. Улар таржима муаммоларини ўрганувчи амалиётчи таржимонни ҳам, назариётчи таржимашуносни ҳам жиддий ўйлашга мажбур қилади. Таржимашунос олимлар Ш. Балли, В.В. Виноградов, Б.А.Ларин, Қ. Мусаев ва Н.М.Шанский, А.В.Федоров, Рейскер, С.Влахов ва Ф.Флорин, А.Нарзикуловнинг ишларида фразеологизмлар таржимаси муаммолари чуқур таҳлил қилинади. Фразеологизмларнинг берилишида асосий мақсад коммуникация жараёнида прагматик маънони таржимада тўлиқ қайта тиклашдир. Фразеологик бирликларни таржимада беришда сўзма-сўз таржима, анологик таржима ва изоҳли таржима усулларидадан фойдаланилади.

В. Н. Комиссаровнинг таъкидлашича, ҳар қандай тил белгиси, одатда, уч хил муносабатни ўзида мужассам этади. Булар семантик, синтактик ва прагматик муносабатлар бўлиб, биринчиси – тил белгисининг предмет билан алоқасини акс эттирадиган, иккинчиси – тил белгисини мазкур тизимга алоқадор бошқа белгилар билан боғлаб турадиган ва учинчиси – тил белгиси билан мулоқот жараёнида

ундан фойдаланувчи шахслар ўртасидаги алоқани намоён қиладиган муносабатлардир

Шундай қилиб, тил белгиси семантик, синтактик ва прагматик маънолари билан ажралиб туради.



Таржимон таржима жараёнининг биринчи босқичида аслиятнинг рецептори сифатида намоён бўлади ва матнда мавжуд маълумотларни имкони борича тўлиқроқ олишга ҳаракат қиладди. Бунинг учун у аслият тили соҳиблари эга бўлган таг билимларга эга бўлиши, яъни аслият тилида сўзловчи халқнинг тарихи, маданияти, адабиёти, урф-одатлари, ҳаёт тарзи кабилардан хабардор бўлиши шарт. Ҳар қандай аслият рецептори каби таржимонда ҳам берилаётган маълумотга нисбатан шахсий муносабат шаклланади. Лекин таржимон бундай шахсий муносабат таржима аниқлигига путур етказмаслигига интилиши зарур. Шу маънода таржимон прагматик жиҳатдан нейтрал бўлиши керак.

Таржима матн рецепторининг таг билимларга эга эмаслиги кўзда тутилаётган маълумотни тушунтириб бериш заруриятини туғдиради ва таржима матнга керакли қўшимча ва аниқликлар киритишни талаб этади. Бу жараён таржиманинг иккинчи босқичида амалга оширилади.

Қўшимча куйидаги ҳолатларда амалга оширилади: АҚШдаги Massachusetts, Oklahoma, Virginia; Канададаги Alberta, Manitoba ёки Middlesex, Surrey каби жуғрофий номларни ўзбек тилига таржима қилишда, одатда, штат, провинция, графлик каби сўзлар қўшиладикки, бу билан ўзбек ўқувчисига номларнинг нимани англатиши ҳақида маълумот берилади.

Шунингдек, бундай қўшимчалар ташкилот, компания ва наш риётлар номлари кабиларга ҳам қўшилиши мумкин.

The ecological movement in Spain is on the increase, «Newsweek» reports. – «Ньюсвик» журналининг ёзишича, Испанияда экологик ҳаракатлар тобора авж

олмоқда. Бу жумла таржимасида сўз олдиға журнал сўзи қўшилмаса, у ўзбек таржимонига тушунарли бўлмай қолиши мумкин.

Бундай изоҳлар аслият тилида мавжуд бўлган, бироқ ўзбек китобхони учун нотаниш бўлган халқ ва унинг турмуш шароитига оид воқеа-ҳодисаларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Айрим ҳолларда бу каби қўшимча изоҳ матн ичида ёки ҳавола (сноска)да ҳам берилиши мумкин.

Таржиманинг прагматик муаммолари таржиманинг кимга мўлжаллангани, аслиятнинг жорий-услубий жанр хусусиятлари ва ўқувчи савиясига ҳам бевосита боғлиқ. Бадиий адабиёт таржимонлари аслиятнинг прагматик салоҳиятини беришда сезиларли қийинчиликларга дуч келишади. Таржима ўқувчи томонидан тўғри тушунилиши учун аслият ва таржима матнлар орасидаги прагматик фарқларга тегишли ўзгартишлар киритилишини талаб этади.

Таржима қилинаётган матнни ахборот қабул қилувчига тушунарли тилда қайта яратиш зарурати таржимонни аслиятдаги тушунилиши қийин бўлган элементларни прагматик маънода етказиш учун қўшимча изоҳлар беришга мажбур қилади. Бундай элементлар аслият тили китобхонлари учун бемалол тушунарли бўлса-да, таржима тили китобхонлари учун ҳеч нарсани аңлатмайди.

The Prime-Minister spoke a few words from a window in No.10. Бу жумлани ўқиган ҳар қандай инглиз Лондоннинг Даунинг стрит кўчасидаги 10-уйда Бош вазир қароргоҳи жойлашганини яхши тушунади. Аммо ўзбек китобхони буни билмаслиги мумкин ва шу сабабли таржимада бу жумладаги сўзларни лексик трансформация орқали изоҳли ўгиришга, яъни айрим лексик birlikлар ўрнига бошқа сўзлар ишлатишга мажбур:

Бош вазир ўз қароргоҳи балконида қисқа нутқ сўзлади. Кўпинча, бундай трансформациялар умумлашма характерда бўлади, яъни конкрет маъноли сўзлар таржима тилида ҳаммага тушунарли бўлган умумий маъноли сўзлар билан алмаштирилади.

Илмий-техникавий адабиётлар таржимасида прагматик ўзгартишлар қилиш зарурати камроқ. Чунки бундай матнлар шу соҳа бўйича махсус билимларга, бир хил миқдордаги тағ билимларга эга тор доирадаги мутахассисларга мўлжалланган бўлади. Бундай ахборот ҳар иккала тил мутахассислари учун умумий махсус сўз ва

атамалардан иборат бўлиб, фақат фирма номлари, ўлчов бирликлари ва махсус номенклатура номларнигина изоҳлашга тўғри келади.

Шу маънода, хорижий истеъмолчилар учун мўлжалланган рекламага оид ахборотларнинг прагматик аспекти ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Бу хил матн муаллифлари, биринчи навбатда, матнни хорижий истеъмолчининг билим савияси, тили, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб иш юритишлари лозим. Бундай ҳолатларда таржимоннинг иши анча осонлашади, чунки ахборот мазмунини тўлиқ тушунтириш учун унчалик машаққат чекмайди. Шундай бўлса-да, айрим ҳолларда матннинг прагматик имкониятини таржимада қайта тиклаш анча мушкул кечади. Чунки таржимон ҳар қандай ҳолатда ҳам, энг аввало, хорижий ахборотни ўз халқига тушунарли тилда таржима қилишга, унга маълум миқдорда ўзгартишлар киритиш, умумлаштириш, қисқартиришга мажбур бўлади.

Таржиманинг прагматик мувофиқлигини таъминлашда тилнинг турли лаҳжаларида сўзловчи, бир-биридан фарқ қилувчи ижтимоий-лисоний омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди. Жумладан, аслият матнда тил меъёрларидан чекиниш, диалектларга хос сўзлардан стилистик мақсадларда фойдаланиш ва ш. к. ҳам муайян қийинчиликлар туғдиради.

Аслият тилидаги шевага хос сўзлар таржима тилига ўзича таржима қилинмайди. Уларнинг матн ичида ишлатилиши икки томонлама характерга эга. Бир томондан, бадиий асар бошдан-оёқ хорижнинг муайян бир тилида ёзилган бўлиши мумкин. Бунда диалект тили таржима қилинса, тиллараро алоқа воситаси вазифасини бажаришга киришади ва таржима худди ҳар қандай умуммиллий тилдан амалга оширилган ҳисобланади. Табиийки, бундай ҳолда таржимон шева тилининг ўзига хос хусусиятларидан хабардор бўлиши лозим. Иккинчи томондан, шевага хос унсурлар муаллиф томонидан алоҳида персонажлар тилининг ўзига хос хусусиятларини, унинг маълум бир ҳудудда яшовчи халқнинг типик вакили эканлигини кўрсатиш учун ҳам ишлатилади. Бундай ҳолатда аслият тилининг шеваларга хос прагматик хусусиятларини таржимада қайта тиклаш ҳеч қандай натижа бермайди. Агар аслият тилидаги персонаж «кокни» деб аталадиган Лондон диалектида гапириб, сўзларга адабий тилда мавжуд бўлмаган *h* товушини қўшиб гапирса ёки бу товушни зарурат бўлмаган ҳолатларда тушириб гапирса, ёки

He ‘as a good hear дейиш ўрнига He has a good \_ear деб талаффуз қилса ва таржимон бу хусусиятни сақлаб қолиш учун тилда мавжуд бўлмаган анъанадан фойдаланиб, У яхши эшитиш қобилиятига эга дейиш ўрнига, У яхши х эшитиш хобилиятига эга деб таржима қилса, бу бутунлай бемаънилик бўларди.

Шунингдек, таржимон ўзбек тилининг шевага хос сўзларидан фойдаланиши умкин эмас. Масалан, Марк Твеннинг Миссуи штатида яшайдиган қора танлини Хива ёки Асакада яшайдиган аҳоли тили билан гапиртириш назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам ўзини оқламайди.

**К о н т а м и н а ц и я** – ўзаро ўхшаш икки сўз ё ибора қисмларининг чаतिшуви натижасида янги сўз ёки иборанинг пайдо бўлиши:

Контаминациялашган шакллардан фойдаланишда, одатда, оддий халқ тилида ишлатилган шакллардан, сўзлашув усулидан, мураккаб грамматик, синтактик шакллардан (эргашган қўшма гаплардан, сифатдошлардан) қочиш кузатилади.

Шуни эътибордан соқит қилмаслик лозимки, айрим стандарт контаминациялашган нутқ намуналари нафақат хорижий кишининг ўзга тилда гапириши, балки содда, авом одамнинг нутқи сифатида ҳам қабул қилиниши мумкин. Масалан, рус тилини унча яхши билмайдиган қишлоқлик деҳқон ўз фикрини рус тилида қуйидагича баён қилиши мумкин: Твоя моя понимай нету или мало-мало.

Таржимада контаминациялашган унсурларни танлаш ва иш латиш аслият матндаги прагматик тавсифга мос келиши муҳим. Кўп ҳолларда таржиманинг прагматик мақсади китобхонда кўзда тутилган коммуникатив таъсир билан белгиланади. Таржимада қайта тикланадиган коммуникатив таъсир аслият етакчи (турғун) функциясининг қайта тикланишидир.

Бадий асарнинг китобхонга таъсир кучи матннинг бадий қиммати, китобхонни ўзига жалб қила олиши билан белгиланади. Бундай бадий матн таржимасининг прагматик вазифаси таржима тили матнида ҳам аслиятдагидек китобхонга бадийэстетик завқ уйғота оладиган матн ярата олишдир. Ўз она тилида Шекспир, Диккенс асарларини ўқиган китобхон аслият муаллифининг бадий истеъдодини ҳис қила олиши, нима учун улар ўз ватанларида буюк адиблар сифатида тан олинганлигини тушунади. Таржимон бундай вазифани урдалай олса, аслиятнинг коммуникатив эффекти тўла қайта тикланган деб ҳисоблаш мумкин. Албатта, аслиятнинг инглиз китобхонларига коммуникатив таъсири ва шу асар таржимасининг ўзбек китобхонларига таъсирини қиёслаб баҳоловчи меъёрлар йўқ. Бу ўринда аслият ва унинг таржимаси инглиз ва ўзбек китобхонларида уйғотган коммуникатив таъсирни тахминан белгилаш мумкин. Масалан, таржимани ўқиган китобхоннинг реакцияси слиятни ўқиган китобхонниқига нисбатан камроқ ёки аксинча бўлиши мумкин.

Аслиятнинг прагматик хусусиятларини қайта яратишда таржимоннинг уларни замонавийлаштиришга уриниши ҳам аслият матннинг ўзгариб кетишига олиб келади. Бунда аслиятда тасвирланган воқеа-ҳодисалар рўй берган вақт ва жой билан таржимадаги воқеа-ҳодисаларнинг замони ва макони бир-биридан бутунлай фарқ қилиб қолади. Таржимонга, кўпинча, бошқа тарихий даврда яратилган асарлар таржимаси билан шуғулланишга тўғри келади. Бундай матннинг тили, воқеа-ҳодисаларининг ривожини ҳозирги китобхонлар учун унчалик тушунарли бўлмай қолади. Бу тил тараққиёти муайян замонда яшаган кишиларнинг, ёзувчиларнинг дунёқарашлари билан ҳам боғлиқ. Шундай экан, муайян тарихий даврда яратилган бадиий асар таржимаси ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Биринчидан, аслият тилининг маълум бир тарихий даврга тааллуқли экани таржимада ўз аксини топиши лозим.

Бундай ҳолатда она тилида мавжуд бўлган, кам ишлатиладиган, бироқ китобхонларга тушунарли бўлган айрим тарихий, архаик сўзлардан фойдаланиш зарурати вужудга келади. Аммо бу архаизмлар, айти пайтда, таржима тилига хос миллий хусусиятлардан холи бўлиши, яъни услубан нейтрал бўлиш талаб қилинади. Таржимада эскирган сўзлардан фойдаланишдан ташқари, аслият матннинг архаиклигини таъминлаш мақсадида таржимон тил ва маданиятнинг ҳозирги босқичига хос, аммо аслиятда тасвирланган даврга мансуб бўлмаган сўзлардан фойдаланишда ҳам эҳтиёткор бўлиш талаб қилинади. Масалан, аслиятда XVIII аср воқеалари акс этган бўлса, персонажлар хизмат сафарига боришлари, ишлаб чиқаришдан ташқари бирор нарса билан шуғулланишлари, иш вақтида бошқа иш билан машғул бўлмасликлари, муаммоларни ечишлари, тор доирадаги мутахассисликка эга бўлишлари, кадрлар танлаш муаммолари билан шуғулланишлари, оширилган мажбурият олишлари, мусобақа ғолиби бўлишларига оид замонавий фикрларни киритмасликлари лозим.

### **Хулоса**

Таржима прагматикаси муаммоси алоҳида ёндашувни талаб қиладиган соҳа ҳисобланади. Шунинг учун таржима жараёнида матннинг прагматик хусусиятларини инобатга олиш муҳим. Шу билан бирга, матннинг мазмуний-услубий бўёқдорлигини, сюжетнинг ифода даражасини ҳисобга олган ҳолда, лексиканинг стилистик жиҳатдан ўзига хослигини, фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

### **Мунозара учун саволлар:**

1. Прагматика нима?
2. «Таржима прагматикаси» атамасига кимлар изоҳ берган?
3. Таржима прагматикаси нимани тадқиқ қилади?
4. Таржимашуносликда прагматиканинг ўрни ҳақида сўзлаб беринг.

5. Инглиз тилида ёзилган асардан таржима тилига прагматик маъно тўғри ўгирилган ҳолатларга мисоллар топинг.
6. Таржима жараёнида прагматик маъно тушириб қолдирилишига оид мисоллар келтиринг.
7. Прагматик маънонинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
8. Таржима жараёнида прагматик маъно ва таржимоннинг дунёқараши ҳақида сўзланг.
9. Прагматик маънога қандай омиллар таъсир этади?
10. Прагматик маъно ва тағ билимлар хусусида маълумот беринг.

## **10. МАВЗУ: Миллий реалиялар таржимаси**

### **Режа:**

1. Таржимада реалияларнинг берилиш усуллари
2. Реалия номларини таржима қилиш муаммолари.

Француз ва ўзбек тиллари топологик ва генетик жиҳатдан турли хил тиллардир. Француз тили ҳинд-европа тиллар оиласи роман ва славян тиллар гуруҳига киради, ўзбек тили эса олтой тиллар гуруҳига киради. Таржимада учрайдиган реалиялар номлари таржима қилиш имкониятлари тўрт асосий ҳодиса билан боғлиқдир:

1. **Транслитерация ёки транскрипция** (тўлиқ ёки қисман). Бу восита реалияларни акс эттирувчи қўлланаётган сўзни ўз тилида ҳарфлаб ёзиш ёки таржима қилинаётган тилда флекция билан сўз бирикмасида берилиши тушунилади.

2. **Янги сўз ёки сўз бирикмасини яратиш** таржима тилининг элементлари асосида мос келувчи предметни акс эттириш учун қўлланилади. Бундай таржима тасвирий, қиёсий тарзда амалга оширилади. Бошқа тилдаги реалияларни, яъни реалиялар тушунчасига яқин маънони англлатувчи сўзларни қўллаш. Бу таржима контекст билан боғлиқликни англлатади, баъзида эса тахминий маънога эга бўлади.

3. **Сўзни қўллаш**, яъни таржима қилинаётган тилдаги реалияга вазифа жиҳатидан яқинроқ маънога эга бўлган сўзни қўллаш усулидир. Бунда баъзида сўзнинг тахминий маъносини контекстга мослаб қўлланилади.

4. **Гипонимик усул**, умумлаштирилган тахминий таржима, таржима амалга оширилаётган тилдаги реалиялар таржима тилида берилади ва тур билдирувчи тушунчани эмас, балки род билдирувчи тушунчани акс эттиради.

1. **Транслитерация ва транскрипция.** Хориж тилидаги реалияларни етказиб беришнинг бир неча усули мавжуд. Биринчидан, Ю.С. Маслов "моддий ўзлаштириш" ёки хусусий маънодаги ўзлаштиришни ажратиб кўрсатади. Бундай ҳолларда хориж бирликларининг нафақат сўз маъноси (ёки сўз маъноларидан бири), балки у ёки бу даражадаги яқин маъноси–унинг моддий экспоненти

ўзлаштирилади. “Моддий ўзлаштириш”га биринчи навбатда, транслитерация ва транскрипция киради:

**Траслитерация** сўзларни график даражада етказишдир. Масалан: volost, Lada, ukaz, ZIL; транскрипция эса фонемалар даражасида етказишдир. Масалан: soumalak, krechtchenie, koulak, sovkhoze.

Транскрипция ва транслитерациядан кўп ҳолларда атоқли отлар, давлат корхоналари номлари, ўқув юртлари ва ш.ў. ҳақида гап бораётганда қўлланилади. Ушбу усулнинг камчилиги шундан иборатки, бунда усулдан фойдаланиш таржимада ўрганилмаган ва тушунарсиз сўзларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Матнда транслитерациянинг қўлланилиши албатта қавс ичида бериладиган тушунтириш, изоҳ ёки сноскада тушунтириш орқали амалга оширилишини тақозо этади.

Худди шунингдек, у ёки бу мамлакатга хос бўлган мурожаат формалари, мансаб, корхона ҳамда турмушда қўлланиладиган нарсалар номлари ҳам транслитерация қилинади. Масалан: мадам, шеф, мистер, бос ва ҳоказо.

Кейинги йилларда таржимада транслитерациянинг роли бениҳоя ошиб бормокда.

**2) Реалия номларини таржима қилиш** усулидан таржимада транскрипция ёки транслитерация жараёнларини қўллаш мумкин бўлмаганда фойдаланилади. Аммо бу усул рус ва ўзбек тилларида жуда кам учрайди.

Таржимон реалияларни сўзма-сўз таржима қилиш ёки ярим калькаланиш йўли билан неологизмларни олиб кириши мумкин. Масалан рус тилидаги «небоскребы» сўзи, шунингдек, немис тилидаги "Wolkenkratzer" ва француз тилидаги "gratte-ciel" сўзлари инглиз тилидаги "skyscraper" сўзидан калькаланган. Рус тилидаги “декабрист” сўзи инглиз тилида “Decembrist”, немис тилида “Dekabrist”, француз тилида "Decembriste ёки Dekabriste", ўзбек тилида “декабрист” деб қисман калька орқали таржима қилинган.

*Калькаланаётганда “хорижий сўзларнинг моддий экспоненти эмас, балки унинг таркиби (унинг ташиқил бўлиши тамойили) қабул қилинади: хорижий сўзнинг ўзлаштирилмаган материаллини, худди ўзини калькалаш содир бўлади. Масалан, сўллик – gauchisme, беш йиллик – quinquennal, социалистик мажбурият – engagement socialistique, меҳнат қаҳрамони – héros du travail, партиясиз – sans-parti ва ҳ.к.*

**Калькалаш** кўп ҳолларда фразеологик лакуна (етишмаслик, камлик) ўрнини тўлдиришнинг энг қулай усули ҳисобланади. Фразеологик лакунарлик - тиллараро тоифа бўлиб, фразеологик лакунарликни маъносини мос равишда етказиб бериш учун бир ёки бир неча тил таққосланаётганда таржима тилидаги фразеологик элементнинг мавжуд эмаслигини аниқлаб беришда ўзини намоён этади.

***Н.М. Шанский контекстуал ва фразеологик калькалашни ажратиб кўрсатади.***

**Фразеологик калькалаш** - бу хориж фразеологизминини сўзма-сўз таржима қилиш натижасида тилда юзага келадиган барқарор сўз бирикмаларидир.



**Контекстуал калькалаш** - аниқ таржимон томонидан аниқ матнда яратилади ва калькаланган бирикма маъноси манба-тилдаги фразеологик бирикманинг ёрқин ва жонли ички шаклидан келиб чиққан ҳолда тушунарли бўлиб қолади. Кўп ҳолларда таржимон томонидан мувафакқиятли амалга оширилган калькалаш унинг изланиш натажаси ҳисобланади, чунки компонентли ва қиёсий калькалар - окказионализмлар таржимоннинг оригинал-тил фразеологик анъаналарига яқинлашишга бевосита ҳаракат қилганлигини акс эттиради.

Тавсифий таржимадан у ёки бу сабабларга кўра калькалашнинг имкони йўқлигида фойдаланилади. Мазкур усулдан фойдаланилганда компонент таркибининг кенгайиши, шунингдек, гапнинг таркибий-грамматик тузилишини етарли даражада ўзгаришига олиб келади. Бундай усул образлилик ва экспрессивлик ҳисобига ахборотларнинг йўқолишига олиб келади, матнни миллий колорит ва ўзига хосликдан маҳрум этади. Бироқ, у тушунмовчиликни (бу эса кўп ҳолларда янги сўзнинг янги тушунча билан ўзлаштирилишига олиб келади) бартараф этиш афзаллигига эга.

Ўхшаш маънони англатувчи сўзни қўллаш тахминий таржима деб аталади ва у ўз ичига қуйидаги тамойилларни олади. Жинс ва тур билдирувчи алмаштириш (маънони умумлаштириш), функционал аналогини қидириш, тасвирлаш, реалиянинг номини изоҳлаш ёки тушунтириш каби жиҳатларни қамраб олади.

Функционал аналогнинг қулайлиги шундаки, ўлчовни билдирувчи реалияларни таржима қилишда улар китобхонда қандайдир сифат тасаввурларини ҳосил қилишга йўналтирилган бўлади. Масалан: рус тилидаги “сто пудов” – юз пуд тушунчаси ўзбек тилига “жуда оғир” деган маънони англатади. Унинг ўзбек тилидаги аналоглари бўлиб “зил-замбил”, “бир ботмон” каби ибораларни ишлатиш мумкин.

Француз тилидаги “n’avoit ni feu ni lieu” – “не иметь ни кола, ни двора” фразеологик иборасини ўзбек тилида – “чипчирғаси йўқ, битидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ, қоққанда қозик, оғанда хурмача, шип-шийдам” каби иборалар билан тасвирий тарзда ифодалаш мумкин.

Реалиялар маъносининг таржимаси учун усул танлаш муаммоси энг аввало реалия шу тилда тўлиқ ўрганилмаган бўлсагина содир бўлиши мумкин. Тарихий фактларнинг, географик номларнинг ёки машҳур газета, журналларнинг номларини акс эттирувчи реалияларни таржима қилишда маълумот бера олувчи манбаларга мурожаат қилиш лозим.

Шунингдек, эквивалентсиз лексикага географик номлар, газета ва журналларнинг, театрларнинг номлари ҳамда атоқли отлар ва лақаблар киради. Худди ижтимоий-сиёсий ва этнографик реалияларни таржима қилишда бўлганидек, бу ҳолда ҳам юқорида таъкидлаб ўтилган усуллар, яъни транслитерация (транскрипция) ёки трансформацион таржиманинг усуллари билан бўлган қўшиш, тушириб қолдириш, тушунчаларни матнларда ёки сноскаларда изоҳлаш, тахминий мос келадиган ҳолатларни қўллаш каби усуллари билан фойдаланилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Борисова И.Ф., Имяминова Ш.С. Таржима назарияси ва амалиёти. Т., 2005
2. Бархударов Л.С. Язык и перевод. Вопросы общей и частной теории перевода. М., 1975.
3. Гак В.Г., Григорьев. Теория и практика перевода. Французский язык. М., «Интердиалект», 2003
4. Саломов Ф. Таржима назарияси асослари. Т., “Ўқитувчи”, 1983.

### **11-Мавзу: Оғзаки таржима. Автоматлаштирилган таржима.**

#### **Режа:**

1. *Оғзаки таржиманинг характерли хусусиятлари.*
2. *Оғзаки таржимада таржимонларга қўйиладиган талаблар.*
3. *Автоматлаштирилган таржима.*

Юқоридаги мулоҳазаларимизда, умуман «таржима» нима? Уни қандай тушунамиз? Таржимашунослик фанининг вужудга келиши, унинг адабиётшунослик ва тилшунослик фанлари билан боғлиқ бўлиши ўрганилди. Таржиманинг назарий аспектда ўрганилиши уни турларга бўлиб ўрганишни тақозо этади. Энди кўриладиган масала таржима турлари тўғрисидадир.

Маълумки, ҳар қандай тил оғзаки ва ёзма нутқда ифодаланади.

#### **1. Оғзаки таржима.**(Оғзаки матнни оғзаки таржима қилиш).

Бунда иккита тил оғзаки нутқ формасида ишлатилади. Мазкур таржиманинг икки хил кўриниши мавжуд. 1.Синхрон таржима (бир вақтда қилинадиган таржима). 2.Кетма-кет қилинадиган изчил таржима.

Оғзаки таржимада таржимон айтилаётган нутқ мазмунини тез ўқиб олиши, олдиндан тайёрланиб тез таҳлил қилиш кўникмасини ва тўхтамай таржима қилиш усулларини ишлаб чиққан бўлиши керак. Оғзаки таржима жараёнида таржимон таржима қилаётган матнни тузатиш ёки қайтадан таққослаш имкониятига эга эмас.

Оғзаки таржиманинг характерли хусусияти шундаки, таржимон матнни аввало акустик формада, яъни эшитиб ва оғзаки формада эшитганларини таржима қилади.

Оғзаки таржиманинг иккинчи асосий характерли хусусияти унинг ўзига хос нутққа эга бўлишидир. Айрим ҳолларда шундай вазиятлар бўлиб қоладики, таржимон нотикдан гапда қачон эга ва кесимни айтишини кутиб, кейин таржима қилишга киришади.

Масалан, француз ва инглиз тилларида қуйидагича схемада бўлиши

шарт:

**SPO Субъект – предикат – объект.**

Ўзбек тилида эса:

**SOP Субъект – объект – предикат.**

Шу боис, ўзбек тилидан инглиз тилига ёки француз тилига таржима қилишда, ўзбек тилида предикатнинг айтилишини кутиш лозим бўлади.

Мисол: Минглаб кишилар нейтрон *бомбасига* қарши уюштирилган митингда қатнашдилар.

Thousands of people participated in the meeting of against N-bombs.

Синхрон таржима – бу таржиманинг шундай туридирки, бунда таржимон сўзловчининг нутқини эшитиб, шу заҳотиёқ икки-уч дақиқада таржима қилиши керак. Қоидага мувофиқ синхрон таржима техник воситаларни қўллаш йўли билан амалга ошади. Бунда сўзловчининг нутқи махсус кабинада ўтирган таржимонга «эшитгичлар» орқали етказилади ва таржимоннинг микрофонга берган таржимаси тингловчиларга етказилади.

Синхрон таржима жараёнида таржимон жуда катта руҳий ва жисмоний машаққатни бошдан кечиради. Синхрон таржима жараёни – ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Таржимон сўзловчи нутқи тезлик даражасидан орқада қолмасдан таржима қилиши зарур. Шунинг учун, синхрон таржимонлар 20-30 дақиқа мобайнида ишлайдилар, синхрон таржима бораётган пайтда таржимонлар ўрин алмашадилар.

Синхрон таржиманинг яна бир тури борки, бунда таржимон Рецептор ёнида туриб ёки ўтириб паст овозда (шивирлаб) нотикнинг нутқини таржима қилади. Бунда Рецептор таржимани бевосита ёки эшитгич орқали қабул қилади.

Синхрон таржима мазмуни қатор компонентлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири таълимнинг аниқ мақсадини амалга оширишга йўналтирилган бўлади.

Синхрон таржима мазмунининг биринчи компоненти – талабанинг перцептив қобиляти: диққати, хотираси ва фикрлашини тизимли равишда ривожлантириш, уни интенсив ақлий фаолиятга чиниқтиришни кўзда тутати. Бу, ўз навбатида, эшитиб тушуниш маданиятини юксалтириш, сўз, сўз бирлиги ҳамда стилистик конструкцияларни билиш (тушуниш) тезлигини ошириш, таржимада сўз танлаш ишларини тўғри йўналтиришни талаб қилади. Синхронси эшитилаётган нутқни турли тезлик ва оҳангда, тембрда, талаффузда фарқлай олишга, тушунишга ўрганиши лозим.

Кетма-кет қилинадиган изчил таржимада таржимон сўзловчи нутқини тугатгандан сўнг ёки нутқнинг қандайдир бир қисмини тугатгандан кейин таржимасини бошлайди. Таржиманинг бу турида таржимон сўзловчи нутқидаги асосий бўғинларни илғаб олиши, агар нутқ узунроқ бўлса, бунда таржимон унинг энг муҳим жойларини ёза бориши керак, бу эса таржимонга эшитган матнини эсга келтиришни таъминлайди. Кетма-кет қилинадиган изчил таржима таржимоннинг фикрлаш қобилятига ва эсда сақлаш қобилятига боғлиқ. Француз таржима

назариясининг асосчиси Эдмон Кари ўзининг «La traduction dans le monde» китобида француз дипломати Андре Франсуа Понсенинг «Миллатлар Иттифоқида» 2,5 соат давом этган нутқининг кетма-кет қилинган изчил таржимаси хусусида гапиради. Кетма-кет қилинадиган изчил таржима Жан Эрбер, Роббер Конфино, ака-ука Каминкер, Жорж Матъе номлар билан бевосита боғлиқ. Антуан Веллемана Женева университети қошида таржимонлар мактабига асос солганлардан бири ҳисобланади. Ҳарбда бу мактаб ўз мавқеига эга эди. Оғзаки таржиманинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, ёзма матнни оғзаки таржима қилишда матн мазмунини тез ўқиб олиш, олдиндан тайёрланиб тез таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлиб, тўхталмай таржима қилиш усуллариининг ишлаб чиқиши назарда тутилади. 1800 босма белгидан иборат матнни 10 дақиқа ичида таржима қилиш керак бўлади. Бу турдаги таржима «at sight» таржима дейилади.

Ёзма таржима. Таржиманинг бу кўринишида таржимон қўлида аслият матни бўлиб, таржима жараёнида унга бир неча маротаба мурожаат этиши мумкин. Таржимасини қайта кўриб чиқиб, аслият билан солиштириш имкониятига эга бўлади. Таржима жараёнида мутахассислардан маслаҳат олиши мумкин. Бу эса таржиманинг ҳар томонлама мукамал чиқишига ёрдам беради. Аммо оғзаки таржимада – бу имкониятлар бўлмайди. Ёзма таржимани оғзаки таржималардан фарқлайдиган факторлардан бири бу –вақтдир.

Оғзаки таржимада таржимон нутқининг бир қатор характерли хусусиятлари бор. Синхрон таржимада таржимон нутқи баланд ва тез темпда олиб борилади. Мазкур таржимада сўзларнинг сони таржима қилинаётган нутқ ҳажмига боғлиқ. Кетма-кет қилинадиган изчил таржимада нутқ темпи пасаяди, чунки таржимон кўлёмасига эътибор бериши ва аслиятда айтилган фикрни тушуниб тингловчига етказиши лозим

Оғзаки таржима назариясида таржимонларга қуйидаги талаблар қўйилган, уларга таржимонлар албатта амал қилишлари шарт.

1. Аниқ талаффуз қилиш.
2. Нутқнинг бир хил ритмлилигига эътибор бериш.
3. Жумлада маъно жиҳатдан ўзаро боғланишга эътибор бериш.

Оғзаки таржиманинг асосий характерли хусусияти – унга ёзма таржимага қарама-қарши ўлароқ махсус таржима деб қараш керак. Оғзаки таржима назарияси билан шуғулланувчи мутахассислар таржиманинг бу кўринишида ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан характерли хусусиятларни кўрсатиб ўтадилар.

Ёзма ва оғзаки таржималар бир-биридан алоқада бўлувчиларнинг иштироки билан ҳам характерланади. Масалан: Ёзма таржимада таржима жараёни «коммуникант» сиз, яъни сўзловчи билан ўзаро алоқасиз тарзда ўтади. Таржимоннинг диққат марказида таржима қиладиган матн туради. Таржимонга фақат таржима тугатилгандан сўнг баҳо берилади.

Оғзаки таржимада таржимон коммуникант билан контактда бўлади.

Таржимон сўзловчининг нутқи қандай бўлишидан қатъий назар, уни таржима қилиши керак. Шунинг учун таржимон билан сўзловчининг ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш ётади. Таржимашунос олим А.Ф.Федоров ёзма таржиманинг қуйидаги кўринишларини кўрсатиб ўтади

1. Газета хабарлари, расмий ҳужжат ва махсус илмий матнларнинг таржимаси.

2. Оммавий – сиёсий адабиёт, публицистика (ижтимоий-сиёсий масалаларга оид адабиёт ва нотиклик нутқини таржима қилиш).

3. Бадиий асар таржимаси.

Оғзаки таржиманинг яна қуйидаги кўринишлари мавжуд. Булар қуйидагилар:

А) Ёзма матнни оғзаки таржима қилиш. Бунда чет тили ёзма равишда ишлатилган бўлиб, таржима тили оғзаки формада ишлатилади. Таржимон аслият матнини аввал ичида ўқиб ёки абзац билан ўқиб, кейин таржима қилади.

Б) Оғзаки матнни – ёзма равишда таржима қилиш.

Чет тили оғзаки нутқда ишлатилиши ва уни ёзма равишда таржима қилиши керак.

Таржиманинг бу тури амалиётда жуда кам ишлатилади. Оғзаки айтилган сўзларни стенография ёрдамида ёзиб олиниб (яъни шартли белгилар асосида ёзиш) кейин стенографик матн таржима қилинади. Бунда оғзаки – ёзма таржиманинг алоҳида кўриниши ҳисобланади: Масалан:

□- ер юзи, дунё; земный шар, мир.

х- инсоният; человечество.

!- қомус, закон, конституция.

°°°- бойлик, капитал; капитал, богатство.

”- буйруқ, қарор; приказ, постановление.

(Р.К.Минъяр Белоручев Пособие по устному переводу. М., 1969. стр.184-189.)

Чет тили фанларини ўрганишда дарсларда қўлланиладиган диктант таржималар ҳам бор, бу қуйидагича амалга ошади.

Чет тили ўқитувчиси секинлик билан айтган диктантни ўқувчилар она тилига таржима қилишлари керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган таржима турларининг қуйидаги схемада тасвирини берамиз:

Чет тили -----1-----она тили

Ёзма -----2-----ёзма

Оғзаки-----3 -----оғзаки

Матннинг жанр хусусиятларига кўра таржимаси:

Газета – ахборот, ҳужжатлар, сиёсий ижтимоий адабиётларни таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Сиёсий – ижтимоий соҳага оид материалларни таржима қилишда

ишлатиладиган лексик бирликларни 2 та асосий гуруҳга ажратишимиз мумкин.

1 – гуруҳга кирувчи мавзу мазмунига доир бўлади.

2 – гуруҳни ташкил этувчи сўзлар умумий ишлатиладиган сўзлар бўлиб, улар турли хил мавзуларда ишлатилади.

- A delegation of American businessmen arrived in Tashkent yesterday for talks with Uzbek trade organizations.

Hier, la délégation des businessmen américains est arrivée à Tashkent pour des pourparlers commerciaux avec des organisations ouz beks.

Вчера в Ташкент для переговоров с узбекскими торговыми организациями прибыла делегация представителей американских деловых кругов.

- Ўзбекистондаги савдо ташкилотлари билан музокаралар олиб бориш учун Америка ишбилармонлари доирасидан иборат бўлган делегация кеча Тошкентга ташриф буюрди.

Сиёсий-ижтимоий ҳужжатларни таржима қилишда сўзнинг аҳамияти жуда каттадир. Бунда таржима эквивалентлари муҳим роль ўйнайди.

Доимий эквивалентли сўзлар:

Жаҳон Касаба Союзлари Федерацияси.

Всемирная Федерация Профсоюзов.

La Fédération Syndicale Mondiale.

Organization of Trade Union Federation.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. (Б.М.Т.)

Organization des Nations Unies (O.N.U.)

United Nations Organizations. (U.N.O.)

Доимий эквивалентли сўзларга – реаллар (хос сўзлар), газета тилига оид турли хил фразеологик бирликлар киради.

2) Иккинчи ҳолатда таржимон олдида энг қийин масала туради. Бу ҳам бўлса, жуда кўп эквивалентлардан текстга монанд муқобил вариант топиш лозим.

3) Учинчи ҳолатда таржимоннинг ўзи эквивалент топиши лозим.

Бундай ҳолатда у неологизмларга, реалларга (луғатларда кўп қайд этилмаган сўзларга) мурожаат этади.

Масалан: «clanique» - сўзининг ўзаги «clan» «қабила» маъносини беради. «Ique» суффикси нисбий сифат яшашда қўлланилади. «clanique» сўзини «қабилага оид» деб таржима қилиш мақсадга мувофиқдир.

Газета – ахборот, сиёсий-ижтимоий ҳужжатларни таржима қилишда сўзларнинг кўп маънолилиги катта аҳамиятга эга. Энг аввал сўзнинг контекстдаги маъносини тўғри таржима қилиш керак.

Масалан «engager» феъли асосий маъноси «жалб қилмоқ»дан ташқари «тортмоқ, гирифтор қилмоқ» каби кўчма маъноларда ҳам ишлатилади.

1. Il engage son ami dans une mauvaise affaire.

2. Il m'a fallu plus d'un effort pour engager mon ami dans cette entreprise.

1. У дўстини ёмон ишга тортди.

2. Дўстимни бу идорага жалб қилмоқ учун менга катта куч керак бўлди.

Инглиз тилида ҳам «engage» сўзи бир неча маънода ишлатилади, унинг қандай маънода ишлатилганини матн белгилайди. Масалан:

He is engaged in research work.

У тадқиқот ишлари билан банд.

She is engaged.

У унаштирилган.

She engaged my attention.

У менинг диққатимни ўзига жалб этди.

### **Мунозара учун саволлар:**

1. Синхрон таржима нима?
2. Синхрон таржима қачон пайдо бўлган?
3. Синхрон таржиманинг бошқа таржима турларидан асосий фарқи нимада?
4. Синхрон таржиманинг лингвистика, психоллингвистика фанлари билан боғлиқ жиҳатларини баён қилинг.
5. Синхрон таржиманинг асосий тавсифини баён қилинг. Оғзаки таржиманинг кўринишлари ҳақида маълумот беринг.
6. Синхрон таржимани амалга ошириш учун зарур бўлган буюмларни санаб ўтинг.
7. Дунёда ҳозир неча тилда синхрон таржима қилинади?
8. Синхрон таржимон қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?
9. Синхрон таржиманинг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

### **Фойдаланиладиган асосий адабиётлар**

1. Гак В.Г., Григорьев Б.Б. Теория и практика перевода. Французский язык. М.: Интердиалект, 2000. – 455 с.
2. Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). - М.: Высшая школа, 1990. – 253 с.
3. Федоров А.В. Основы общей теории перевода. М.:Высшая школа, 1983. – 303 с.

### **Qo‘shimcha adabiyotlar**

1. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. М.:ИМО, 1980. –344 с.
2. Миньяр-Белоручев Р.К. Курс устного перевода. Французский язык. М.: Московский лицей, 2000. – 144 с.
3. Musaev Q. Tarjima nazariyasi asoslari. – Toshkent: Fan, 2005. – 352 bet.
4. Скворцов Г.П. Учебник по устному последовательному переводу. Французский язык. Санкт-Петербург. 2000. – 160 с.
5. Henry Van Hoof, Histoire de la traduction en Occident, – Paris: Duculot, 1991.
6. Marianne Lederer. La traduction aujourd`hui. – Paris: Hachette-Livre, 1994.

### **Internet saytlari**

1. [www.lingua.ru](http://www.lingua.ru)
2. [www.edufrance.fr](http://www.edufrance.fr)
3. [www.granddictionnaire.com](http://www.granddictionnaire.com)
4. [www.lexicool.com](http://www.lexicool.com)
5. [www.traduction-litteraire.com](http://www.traduction-litteraire.com)
6. [www.larousse.fr](http://www.larousse.fr)